Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 144 (8634). ● 30 июль, 1985 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ баёноти

Давом этаётган ядро қуроллари пойгаси бутун жаҳон цивилизациясининг келажаги учун жуда катта хавф-хатар туғдирмоқда. Қуролланиш пойгаси халқаро майдонда кескинликнинг ошишига ҳамда уруш хавфининг кучайишига олиб келади, ғоят улкан интеллектуал ва моддий ресурсларни бунёдкорлик мақсадларида ишлатишдан чалғитади.

Совет Иттифоқи ядро замонаси бошланиши биланоқ ядро аслаҳаларини тўплашни тугатиш, ҳарбий рақобатни жиловлаш, давлатлар ўртасида ишонч ва тинч ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат билан изчил кураш олиб бормоқда. СССРнинг БМТ доирасида қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш юзасидан кўп томонлама ва икки томонлама музокаралардаги ўз миқёси жиҳатидан ғоят улкан фаолияти ана шунга бўйсундирилган. Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка интилаётгани йўқ — у ҳарбий кучларнинг тенглигини мумкин қадар паст даражада сақлаш тарафдоридир.

Ядро қуроллари синовларини тўхтатиш, бизнинг фикримизча ер юзида стратегик барқарорликни ва тинчликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди. Сир эмаски, шундай синовлар жараёнида оммавий қирғин қуролларининг янгидан-янги, янада даҳшатли турлари ва типлари ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилади.

СССР ядро қуролини синашни тўла ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги халқаро шартномани тузиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш манфаатларини кўзлаб, ядро қуролига эга бўлган давлатларга мурожаат қилиб, ўзаро келишилган муддатдан бошлаб ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиш ҳақида келишиб олишни бир неча марта таклиф қилган эди. Афсуски, ҳозирча бу муҳим ишни амалга ошириб бўлмади.

Совет Иттифоқи ядро аслаҳаҳоналарини кўпайтиришдаги хавфли мусобақалашувга барҳам беришга кўмаклашишга ва яхши намуна кўрсатишга интилиб шу йил 6 августдан бошлаб ҳар қандай ядро портлатишларини бир томонлама тартибда тўхтатишга қарор қилди. Бутун дунёда Хиросима фожиаси куни сифатида нишонланадиган шу кундан эътиборан ўзининг ядровий портлатишларини тўхтатишга Қўшма Штатлар ҳукуматини даъват этамиз. Бизнинг ядро портлатишларини тўхтатиб туришимиз 1986 йил 1 январгача эълон қилинади. Агар АҚШ ўз томонидан ядровий портлатишлар ўтказишдан тийилиб турса, портлатишни тўхтатиб туришимиз шундан кейин ҳам амал қилаберади.

СССР билан АҚШ ҳар қандай ядровий портлатишларни ўзаро келишиб тўхтатиб қўйиши ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар учун ҳам яхши намуна бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар бу ташаббусга ижобий жавоб беради, ўзининг ядровий портлатишларини тўхтатади деб ишонади.

Бу эса барча халқларнинг орзу — ўйлари ва умидларига мос бўлиб тушган бўлур эди.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг 1985 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари чиқарилди. Республика марказий статистика бошқармасининг ахборотида таъкидланишича, шу йилнинг биринчи ярмида экономика ва халқ фаровонлигининг янада ўсиши таъминланди.

Меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларини бажара бориб КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ҳамда йилнинг биринчи ярмида жамоат ишлаб чиқариши суръатлари кўтарилишини таъминладилар.

Саноат маҳсулоти 1984 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 675 миллион сўм кўпайди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан ишга туширилган асосий фондлар 1,9 миллиард сўм бўлди. Моддий ресурслар тежалди. Аммо кўпгина министрликлар ва идоралар энергия, ёқилғи, хом ашё ва материалларни тежаш, иккиламчи ресурсларни ишга солиш топшириқларини ҳали тўлатўкис бажармаяпти.

Республика халқ хўжалигидаги ишчилар ва хизматчилар сони ярим йил ичида ўрта ҳисобда 4,6 миллион кишига етди ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 58 минг киши кўпайди.

Тартиб ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилди.

Иш пировард натижаларини яхшилашни кўзловчи меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш илғор формаларини ёйиш давом этди.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш мақсадида саноатда иқтисодий эксперимент кўламлари кенгайтирилди.

Шу билан бирга ҳамма тармоқлар ҳам йиллик план топшириқлари бажарилишини таъминлайдиган суръатларга эришди, деб бўлмайди, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши етарли эмас.

Халқ хўжалигида фан ва техника ютуқлари жорий этилди.

Саноатда 116 механизациялашган поток ва автомат линиялар ўрнатилди, 49 участка, цех ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Машина-ускуналар парки рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, ишлов берувчи марказлар, саноат роботлари, ўзгарувчан автомат системалар билан тўлдирилди.

44 янги хил машина-ускуна, аппарат ва приборларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, 700 тага яқин технологик жараёнлар жорий этилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида шу йил 130 минг гектардан кўп ерда дон учун экилган маккажўхори интенсив технология асосида етиштирилди. Деҳқончилик ва чорвачиликни юритишнинг илғор системалари ва методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш давом эттирилди.

Қурилишда ишларни ташкил этиш ва олиб бориш самарали методлари қўлланди, булар орасида комплекс блок методи ва объектлар қуришни вахта усули билан ташкил этиш, технологик ускуналарни йирик-йирик блоклар билан монтаж қилиш ишлари бор.

Шу билан бирга халқ хўжалигини замонавий техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш суръатлари етарли ва комплекс ҳолда эмас, фан ва техникани ривожлантириш плани бажарилмаяпти. Янгидан ишга туширилган ва реконструкция қилинган саноат корхоналари ва объектларининг лойиҳадаги кўрсаткичларини ўзлаштириш чўзиб юборилмоқда. Жорий этилаётган техника ва технология меҳнат, ёқилғи, энергия ва материалларни ҳамиша ҳам зарур миқдорда тежашни таъминлаяпти деб бўлмайди.

Фан ва техника ютуқлари меҳнат коллективларининг актив иштирокида амалга оширилди. Халқ хўжалигида 26 мингтага яқин ихтиро ва рационализаторлик таклифидан фойдаланилди.

Республика марказий статистика бошқармасининг ахборотида айтиладики, маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик плани 100,5 процент бажарилди.

Саноат маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 7,4 процент, ўртача бир кунлик ишлаб чиқариш бўйича эса 8,4 процент бўлди. Иккинчи кварталда маҳсулотнинг ўсиши биринчи кварталдаги 3,4 процент ўрнига 11,7 процентга етди. Электр энергетикаси, енгил саноат, унёрма ва омихта ем ҳамда медицина саноатида умуман саноат бўйича эришилган суръатларга нисбатан юксакроқ суръатларга эришилди.

Йилнинг биринчи ярмида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 процент, шу жумладан иккинчи кварталда 8,1 процент ортди, йил бошидан бери ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 68 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришилди.

Умуман саноат ва кўпчилик министрликлар бўйича меҳнат унумдорлигининг ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиш суръатлари илдам бўлиши таъминланди.

Ягона наряд бўйича ҳақ тўланадиган меҳнатни ташкил этиш бригада формасита ишчиларнинг ярмига яқини жалб этилди.

Оғир машинасозлик министрлиги, электротехника саноати министрлиги, химия саноати машинасозлиги министрлиги, станоксозлик саноати министрлиги, приборсозлик саноати министрлиги ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг саноат бирлашмалари ва корхоналарида планлаштириш ҳамда хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналар)нинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва иш натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш юзасидан иқтисодий эксперимент ўтказилди.

Экспериментга ўтказилган бирлашмалар ва корхоналар фаолиятининг кўрсаткичлари яхшиланди. Электротехника саноати министрлиги, қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ва станоксозлик саноати министрлигида шартнома мажбуриятларининг корхоналарида шартнома мажбуриятларининг бажарилиш даражаси кўтарилди. Оғир машинасозлик министрлиги ва химия саноати машинасозлиги министрлигининг бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини тўла бажарди.

Электр энергиясини ҳосил қилиш, тракторлар, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари, қоғоз, линолеум ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Халқ истеъмол қиладиган кўпчилик моллар, жумладан шойи газлама, пойабзал, устки трикотаж, ўсимлик ёғи ва бошқа бир қанча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан планда белгиланган ҳажмга эришилди.

Шу билан бирга холодильниклар, минерал ўғит, сульфат кислота, синтетик аммиак, цемент, иморатбоп ғишт, ички трикотаж, кондитер маҳсулотлари, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди. 1985 йил биринчи ярим йиллик плани юзасидан тайёрланган халқ истеъмол моллари (чакана нархларда) 40,4 миллион сўмлик кам бўлди. Олий Сифат категориясида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бултургига нисбатан камайди.

Шартномадаги мажбуриятлар ҳамон тўла-тўкис бажарилмаяпти. Химия саноати, бинокорлик материаллари саноати, енгил саноат, мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ва бошқа баъзи министрликларнинг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари тузилган шартномалар ва ижро этиш учун қабул қилинган нарядларга мувофиқ истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни таъминламади.

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари, дейилади сўнгра ахборотда, кўкламги дала ишларини ўз вақтида ўтказдилар. 1985 йил ҳосили учун экилган майдон дастлабки маълумотларга кўра 4 миллион гектарни ташкил этди, шундан суғориладиган ерлар 3,4 миллион гектар бўлди. Озуқа экинлари майдони ўтган йилга нисбатан кенгайди.

Ҳамма ерда экин парваришлаш, пичан ўриш ва емхашак тайёрлаш давом этмоқда. Ғаллакор хўжаликларда бошоқли экинлар ўрими, уруғлик жамғариш ва давлатга дон сотиш тугалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎРГАНСАК АРЗИЙДИ

23 ИЮЛЬ куни мусобақадош Жиззах областининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари областимиз колхоз ва совхозларида бўлиб социалистик мажбуриятлар шартларининг бажарилиши билан танишган эдилар. 27 июль куни эса тошкентликлар Жиззах области пахта далаларида ва фермаларида, ғаллазор ва боғларида бўлиб, ғўза парвариши, маҳсулот етиштириш ва чорва қишловига озуқа жамғариш соҳаларида эришилаётган ютуқларни мамнуният билан таъкидладилар ва йўл қўйилган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар бердилар.

...СОЦИАЛИСТИК Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев — республикада танилган уста пахтакор. Қишлоқ хўжалик техникасини пухта эгаллаган механизатор. Звеносининг ерларини ўзи ҳайдаб, бороналаб, чигитни ўзи экади. Ёз бўйи ишлов бериб, озиқлантиради, чеканка қилиб, дефолиант сепади ва ҳосилини ўзи териб олади. Агар у бирор пахтакорнинг меҳнатига, маҳоратига, ғўзасининг аҳволига ҳоҳ яхши, ҳоҳ ёмон, деб баҳо бердими, демак, бу — ҳаққоний баҳо. Бинобарин ғўзасини ҳар жиҳатдан яшнатиб қўёлмаган деҳқон бу талабчан пахтакордан яхши баҳо ололмайди.

Аммо Дўстлик районидаги Саркисов номли, Раҳимов номли, Дадажонов номли совхозларнинг айрим тажрибали пахтакорлари Энвер Алиевни қойил қолдирдилар.

— Тўғрисини айтсам, бундай яшнаб, ўсиб, шиғил ҳосил тўплаётган ғўзаларни кўраман, деб ўйламаган эдим, — деди Э. Алиев мусобақадошларнинг ютуқларидан аста-ойдим қувониб. — Чўл шароитида ғўзага шундай сифатли ишлов бериб, бир гектарсида машинабоп қилиб ўстирган механизаторларнинг ғайратига, маҳоратига тан бериш керак. Ғўзанинг бўйи белга уради, йирик, тўқ барглари кўриб кўз қувнайди.

Шу райондаги Ленин номли совхоз-техникум, «Октябрь 50 йиллиги» ва «Комсомол» совхозлари далаларида бўлган пискентлик ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ҳам асосий пахта майдонларида мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўпланаётганлигини таъкидладилар.

— Мусобақадошларимиз бу йил биз билан кўнгилни тўқ қилиб беллашаверсалар бўлади, — деди Пискент районидаги Калинин номли колхоз раиси Хушвақт Ширинов. — Далалардаги ҳосил чўғи шундан далолат бериб турипти. Умуман, бундан буён тошкентликлар ғўзага ишлов беришда жиззахликлардан айрим агротехник усулларни ўрганишлари керак.

— Ҳақиқатан ҳам бу йил Жиззах дашти бағридаги кенг пахтазорларда жуда катта ўзгаришлар юз берганлигини кўрдик, — дейди халқ депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетининг раиси Аҳмаджон Қодиров. — Масалан, ўтган йили Жиззах райони хўжаликларида кўпгина майдонлардаги ғўзаларни ўт босиб кетиб, ҳосилнинг бир қисми бой берилган эди. Бу йил эса аҳвол бутунлай ўзгарган. Ҳамма майдонлар бир йилнинг ўзидаёқ кўп йиллик ўтлардан тозаланган. Ўтган йили ғўзаси қалин ва ғумай ичида кўмилиб келган карталарда бу йил дуркун, серҳосил ғўзалар барқ уриб турипти. Бирорта бегона ўт кўзга ташланмайди. Район пахтакорларининг ўтган йилдагидан 10 минг тонна кўп ҳосил етиштириш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришларига шубҳа йўқ.

Райондаги кўпгина хўжаликларда бу йил меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули қўлланиляпти.

— Биз бу илғор усулни тошкентлик мусобақадошларимиздан ўргандик, — дейди Ҳ. Олимжон номли совхоз директори Мўминжон Қаҳҳоров. — Шу билан бирга янги усулга ижодий ёндошдик. Бўлимларни тугатиб 59 штатни бўшатдик ва шу ҳисобига бригадаларни мустаҳкамладик.

Раҳбар ва мутахассислардан тортиб механизатор, сувчи ва оддий колхозчиларгача бажарилган ҳар бир ишнинг сифатига, ғўзанинг аҳволига қараб иш ҳақи тўлаб бориляпти. Демак, кун бўйи далада бўлган киши эмас, ғўзани ҳалол меҳнат билан парвариш қилаётганлар ҳақ олаяпти. Янгича иш юритишнинг самараси даладаги ҳосил чўғида яққол акс этиб турипти.

Жиззах области далаларидаги бундай ўзгаришлар фақат бригада усулининггина эмас, балки икки область пахтакорларининг ўзаро ҳамкорликка асосланган социалистик мусобақаси самараси ҳамдир. Мусобақадошлар ўзаро текширувлар давомида бир-бирларидан кўп нарсаларни ўрганишяпти.

Биринчидан, жиззахликлар деҳқончилик маданиятини оширишда мусобақадошларидан ўрнак олишяпти. Карталарнинг четлари, йўл ёқаларидаги ташландиқ, ўт босган ерлар тартибга келтирилиб, карталар яхшитланяпти. Жиззах области пахтазорларида мўл эртаги ҳосил етиштиришнинг Тошкент технологияси ижодий қўлланиляпти.

Иккинчидан, жиззахликлар ҳосил зараркунандаларига қарши курашда биологик усулни қўллашни тошкентликлардан ўрганишган эди. Бу йил улар химиявий усулдан бутунлай воз кечиб, фақат трихограмма ва габраракон фойдали ҳашаротларини ишга солишди. Тошкентликлар эса бор-йўғи 30 процент майдонда қўллашди холос. Бу йил Жиззах областида фақат химиявий дориларни ишлатмаслик йўли билан камида 8 миллион сўм тежаб қолиш мўлжалланмоқда.

Юз фоиз биологик усулга ўтишнинг асосий шарти биолабораторияларни кўпайтиришдир, дейишяпти жиззахликлар. Жуда тўғри фикр. Тошкентликлар бундан тўғри хулоса чиқариб олишлари керак.

Бир сўз билан айтганда жиззахликлар бу йил давлатга камида 365 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар. 150 минг гектар пахта майдонининг деярли ҳаммасида кўчат қалинлиги нормадагидек бўлишга эришилган. Деярли ярим майдондаги ҳар туп ғўзада 3-4 тадан, учдан бир майдонда эса 5-6 тадан тўқ кўсак бор.

Шу кунгача ғўзаларга олти марта ишлов берилди. Учинчи сув ниҳоясига етказилаяпти. Кўпгина районларда ғўзанинг биринчи чеканкаси тугалланган.

Тошкентликлар текшириш давомида ғўзаси чанқаб қолган ва ўт босган майдонлар ҳам борлигини аниқладилар. Чеканкани тез ва соз ўтказишга эътибор бермаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Бу нуқсон пировард натижада ҳосил чўғининг камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Терим техникаси ремонтининг суръати ва сифати паст. Мавжуд 3700 та терим машинаси 15 августгача тўла тахт қилиб қўйилиши керак. Бироқ, эндигина 2000 та машина ремонтдан чиқарилган, холос.

Шунингдек, ўзаро текшириш бригадаси аъзолари сабзавот далаларида, боғ ва фермаларда бўлиб бу тармоқларда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан танишдилар. Қўлга киритилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга бир қатор камчиликларни ҳам аниқладилар. Бошоқли донни ўриб-янчишни тезлаштириш чораларини кўриш керак. Зарбдор, Зомин ва Пахтакор районларида дон учун экилган маккажўхори чанқатиб қўйилаяпти.

Сабзавотчиликда аҳвол ташвишлидир. Шу кунгача давлатга 4,2 минг тонна ярим йиллик планнинг атиги олти процента миқдоридагина маҳсулот топширилган. Бу ўтган йилгидан ҳам кам.

Қишловга озуқа жамғариш суръати ўтган йилдагидан бир мунча жадал, аммо айрим районларнинг хўжаликларида беданинг учинчи ўрими чўзиб юборилмоқда.

Гўшт, сут, тухум тайёрлашда ҳам ўтган йилдаги суръатдан орқада қолинмоқда.

Ўзаро текширув натижаларига якун ясаш пайтида тошкентликлар мусобақадошларга ана шу камчиликларни тезроқ тугатиш юзасидан зарур маслаҳатлар бердилар. Айни кунларда жиззахликлар мусобақадошларнинг тавсияларига асосланиб бутун куч ва имкониятларини қолган вақт ичида ғўза парваришини янада кучайтириш, га, чеканкани қисқа муддатда тугатиб, майдонлардаги бегона ўтни бутунлай йўқотиш ва машина теримига пухта замин яратишга, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш, озуқа жамғаришни жадаллаштиришга сафарбар этмоқдалар.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТОШКЕНТЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ ДАЛАЛАРИДА

◆ СУРАТДА: Тошкент область ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бир группаси Жиззах область Октябрь районидаги Охунбоев номли совхоз далаларида.

Е. БОТИРОВ фотоси.

XII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ: ИККИНЧИ КУН

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК

МОСКВА ФЕСТИВАЛИНИНГ ИККИНЧИ КУНИ «ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАР ТИНЧЛИК УЧУН, ЯДРО УРУШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН» ШИОРИ ОСТИДА ЎТДИ. БУ КУН ПОКЛОННАЯ ГОРАДА ИНТЕРНАЦИОНАЛ МЕҲНАТ БИЛАН БОШЛАНДИ.

Ер юзида тинчлик уни ҳимоя қилганлар ҳақидаги хотира билан яшамоқда. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланаётган йилда ўтмиш ҳозирги кун билан пайваста бўлиб, «Уруш такрорланмаслиги керак!» деб бонг урмоқда.

Улкан умумхалқ қурилиши устидаги транспарантга бу сўзлар рус ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган. Улуғвор мемориал қуриладиган жойга эрта тонгдан ҳар томондан фестиваль делегатлари ва меҳмонлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб кела бошладилар. Кишилар оқими марказий монумент қад кўтарган майдонда бирлашди.

Эрталаб соат 9. Митинг бошланади. Улуғ Ватан уруши ветеранлари, иккинчи жаҳон уруши антифашист ветеранлари, қаршилик кўрсатиш ҳаракати қурашчилари митингнинг энг фахрли қатнашчиларидирлар.

Поклонная горада «Ғалаба куни» қўшиғи янграйди. Майдонда тантанали юриш маросими бошланади — фронтчилар металлдан ясалган фестиваль мойчечаги билан муҳрланган снаряд гильзаларини олиб келмоқдалар. Бу рамзий контейнерларда совет Қаҳрамон шаҳарларидан олинган тупроқ бор. Бу капсулалар мемориал қурилиши тугаллангандан сўнг Улуғ Ватан уруши музейининг экспонатига айланади.

Беш қитъа намояндалари майдонга катта фестиваль мойчечагини олиб кирадилар. Ҳаво шарлари мойчечакни осмонга кўтаради. Шу мойчечак остида ёшлар тўрт объектда меҳнат қила бошлайдилар.

Йигит ва қизлар ёдгорлик қурилишида бутун смена давомида фестивалнинг тиғиз маромида ишладилар.

...Ленинские горидаги Москва пионерлари ва мактаб ўқувчиларининг шаҳар саройи. Бу ерда болалар маркази тантанали равишда очилди.

— Болалар учун байрамлар, табассум, хурсандчилик нон каби зарурлигига ишончим комил, деди ТАСС мухбирига Цветной бульвардаги Москва цирки бош режиссёри ва директори, СССР халқ артисти Юрий Никулин. — Биз катталарнинг вазифамиз болалар онгидан уруш, ўлим, очлик каби тушунчаларни чиқариб ташлашдир. Болалар снарядларнинг портлашларини эшитмасликлари керак. Уларнинг кулгулари ва қўшиқлари тинмаслиги, улар асфальтга сурат чизишлари ва албатта циркка боришлари керак.

Байрам концерти болалар программасининг асосий тадбири — «Планетадаги ҳамма болаларга тинчлик, ҳуқуқ ва бахт-саодат» анжуманининг программаси очилишига сигнал берди.

Шу куниёқ фестивалнинг қолган ўн тўрт тематик марказида ҳам қизғин иш бошланди.

— Тинчлик учун кураш планетадаги барча йигит ва қизларнинг орзу-умидларини акс эттиради, деб таъкидлади студентлар Умумафрика иттифоқи раиси Вессе Конмени митингни очиш вақтида.

— Советлар мамлакатининг комсомоллари тинчлик ва қуролсизланишни ҳимоя қилиб ўтказаётган бугунги митингда алоҳида аҳамият берадилар, — деди ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. М. Мишин. — Ленининг инсониятни урушлардан ҳалос қилиш ҳақидаги васиятларига содиқ бўлган комсомол термоядро урушининг олдини олиш учун, тинчлик, халқаро хавфсизлик ва ҳамкорлик учун қурашда актив иштирок этишни ўз халқаро фаолиятининг ажралмас ва асосий қисми деб билади.

Планетанинг келажаги ёшларнинг қўлидадир. Фестиваль кунларида бу алоҳида куч билан сезилмоқда. Митингда сўзга чиққан Франция коммунистик ёшлар ҳаракати бош секретари Жак Пэрре, Мексика делегациясининг аъзоси Фернандо Раскон, Дмитровчи коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Станка Шопова тинчлик учун ёшлар ҳаракатини ривожлантиришда фестивалнинг доимий аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Митинг қатнашчиларини жаҳон демократик ёшлар федерацияси номидан ана шу ташкилотнинг бош секретари Вилмош Червени табриклайди:

— Бизнинг федерациямиз иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба туфайли тузилган эди. Бу ғалаба жуда қимматга тушди. Ҳозир биз уруш такрорланмаслиги учун ҳамма ишни қилмоқдамиз.

... Фестиваль ўтаётган Москва осмонида «Биз тинчлик орзуси билан яшаётган турли халқлар фарзандларимиз» қўшиғи жаранглайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ХОТИРА КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Авлодлар боғлиқлиги ва давомийлигини янада мустаҳкамлаш, вафот этган ва ҳалок бўлган ота-оналар ҳамда яқин кишиларнинг, жанговар ва меҳнат жасоратлари билан социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, унинг шон-шуҳратини улуғлаб, қудратини кучайтирган кишиларнинг порлоқ хотирасини авайлаб-асраш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Республикада «Хотира куни» белгилансин.

Хотира куни ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида нишонлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри. 1985 йил, 25 июль.

1 АВГУСТГАЧА ТУГАЛЛАНАДИ

ЗАМОН Бойжоқов бошчилик қилаётган бригада аъзолари йилдан-йилга пахтадан мўл ҳосил олиб келмоқдалар. Бунга ғўза парваришини сифатли амалга ошириш туфайли эришмоқдалар. Бу йил ҳам мазкур бригада Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхозда пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Тоғай Эгизбоев, Жоқай Арабов, Барот Аширбоев сингари тажрибали механизаторлар 150 гектар ердаги ғўза қатор ораларига оби-тобида ишлов бердилар. Айни кунларда эса ўз агрегатларига чеканка механизмини ўрнатиб бу тадбирни ҳам сифатли амалга оширмоқдалар. Уларнинг мақсади бу муҳим ишни биринчи августгача тўла тугаллашдан иборат.

Умуман районда ғўза чеканкаси оммавий суратда бошлаб юборилди. Бу борада Терешкова номли, «Партия XXII съезди» колхозларида ҳам яхши ишлар қилинмоқда. Энг муҳими шундаки районда мавжуд чеканка ўтказиш механизмлари тўла қувват билан ишлатилмоқда.

У. ҲАМИДОВ.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСКАНЛАРИГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

Республика партия активи йиғилиши қатнашчилари сўзлайдилар

Илгари маълум қилганимиздек, 27 июль куни Тошкентда республика партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Партия, совет, жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг КПСС Марказий Комитети «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги вазифаларни муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми белгилаб берган иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини амалга оширишда инсон ҳал қилувчи роль ўйнайди, — деди Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари **М. К. Оролбоев**, — жамиятимиз ҳаётида маданият ва спорт муассасаларининг роли мутасил ортиб бормоқда. Область партия комитети автоном республикада маданий-оммавий ишлар ва спорт ҳаракатининг аҳволини таҳлил қилди. Бу соҳада Тўртқўл районида тўпланган тажриба диққатга сазовордир. Бу ерда ишнинг клуб формаларини жонлантириш, оддий спорт майдончалари қуриш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бироқ ҳамма жойда ҳам иш шундай эмас. Хўжайли, Чимбой, Ғўзатов районларидаги кўпгина клуб муассасалари, бир қанча хўжаликлардаги спорт иншоотлари деярли бўш туради.

Ҳозирги вақтдаги энг муҳим иш — маданият ва спорт муассасаларида кадрларни мустаҳкамлаш, уларнинг ўқишини ташкил этиш, фаолияти устидан контроллликни кучайтириш, кишиларда бадиий ижод ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга иштиёқ уйғотишдан иборат. Клубларда тўгараклар ишини яхшилаш учун катта имконият бор. Масалан, ўймакорлик, тикувчилик, гилам тўқиш каби халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш ишида клуб ходимлари ёрдам беришлари мумкин. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг меҳнат тарбиясига, касаначиликни ривожлантиришга ғўмкалашган бўлур эди. Қорақалпоғистонда ҳозир маданий-спорт комплекслари барпо этилмоқда. Шу сабабли бу янги иш партия ва жамоат ташкилотларининг алоҳида эътибор беришларини талаб қилади. Автоном республикада маданият ва спортнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун ҳам комплекслар барпо этиш зарур.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўзидагина областда Балиқчи райони марказида, Марҳамат районидаги Калинин номли, Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозларда маданият саройлари, Андижонда, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозида, қўриқ Комсомолобод районида стадионлар ва спорт комплекслари қурилди, деб таъкидлади Андижон область ижроия комитетининг раиси **Д. Ҳ. Ҳасанов**. Лекин мавжуд моддий базадан тўла фойдаланилмаяпти. Меҳнаткашларнинг анчагина қисми жисмоний тарбия ишларига жалб этилмаган, аҳоли яшайдиган жойларда бу иш бўшаштириб юборилган. Студент ёшларнинг ўн беш процентдан кўпроғи спорт билан шуғулланмайди. Клуб муассасалари фаолияти ҳам янада такомиллаштиришга муҳтождир.

Клуб муассасалари ва спорт иншоотларини аҳоли учун қулай бўлган иш режимига ўтказиш уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир, деб таъкидлади нотиқ. — Лекин бу ишда ҳали расмиятчилик кўп.

Агар раҳбар фақат ишлаб чиқаришнинг эмас, шу билан бирга турли маданий ва спорт тадбирларининг ҳам моҳир ташкилотчиси бўлса, бундай коллективда ишнинг яхши боришини ҳаётнинг ўзи исботлаган. «Савай» совхоз-техникумининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бозорбой Абдураҳмонов ана шундай раҳбардир. Унинг ташаббуси билан областда биринчилар қатори хўжаликда маданий-спорт комплекси барпо этилди. Таассуфки, сўнгги вақтда стадион ёки клубда қачон бўлганликларини ҳамма раҳбарлар ҳам эслай олмайдилар. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маданият ва спорт муассасалари ишига етарли талабчанлик қилмаяптилар.

Ҳозир «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш учун» шиори остида область кўриги ўтказилмоқда. Кўрик давомида ана шу маданият ва спорт ўчоқлари ишини қайта ташкил этишга, сиёсий-тарбиявий ва спорт-соғломлаштириш ишларининг янада такомиллашган ва таъсирчан формаларини жорий этишга алоҳида эътибор берилади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **А. В. Гончарова** ўз нутқида асосий эътиборни камчиликларга ва ҳал этилмаган масалаларга қаратди. Уларнинг асосий сабаби — маданият муассасалари ва спорт иншоотлари фаолиятининг мувофиқлаштирилмаётганлигидир, уларнинг фаолиятига раҳбарлик ва контроль қилишда системанинг йўқлигидир. Республика пойтахтида физкультура ва спортнинг штатли ходимларининг ўзигина 3 минг кишига яқиндир, булардан тащқари уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари ҳузурида юзлаб педагог—тарбиячилар ва спорт ташкилотчилари бор, мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олий ўқув юртларида физкультура ўқитувчилари бор. Лекин улар меҳнат коллективларида, аҳоли яшаш жойларида мусобақаларни ташкил этадиларми? Афсуски, йўқ.

Маданият-спорт комплекслари барпо этилиши билан катта имкониятлар очилади. Бундай комплексни шаҳарда биринчи бўлиб тракторсозлар барпо этдилар ва биринчи кунларданоқ тўғри йўл тутилди: фақат завод ходимларигина эмас, балки уларнинг оила аъзолари ҳам спорт машғулотларига, маданий тадбирларига жалб қилинмоқда. Бу тажриба кенг оммалаштирилади.

Ҳозир клублар, парклар, кутубхоналар, музейлар, спорт иншоотлари иши қатиқ партиявий контроль остига олинди. Эндиликда у ёки бу меҳнат коллективининг социал-иқтисодий ривожланиш планларини бажаришларига баҳо бериш вақтида кишиларнинг бўш вақтини, уларни жисмоний чиниқтиришни ташкил этишлари ҳам ҳисобга олинади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг партия белгилаб берган программаси техника ижодкорлиги тўгаракларини янада ривожлантиришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда шаҳардаги бирорта олий ўқув юрти ҳам бундай тўгараклар учун раҳбарлар тайёрлаб бермайди. Шу сабабли кадрлар масаласи кескин бўлиб турибди. Саноат ишлаб чиқариши чиқитларининг бир қисмини техника ижодкорлиги тўгаракларида фойдаланиш учун беришни тартибга солиш зарурати вужудга келди. Чунки «Ёш техник» магазини уларнинг йил сайин ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмаяпти.

Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти педагоглар эътиборини муҳим вазифани — ўқувчиларнинг бадиий билими ва эстетик даражасини ошириш вазифасини ҳал этишга қаратди, деди Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги С. Муродов номли мактаб директори **У. Хушвақтова**. Ўқув-тарбия ишларида ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб тузилган секцияларда, тўгаракларда, клубларда ўтказиладиган машғулотларга катта роль ажратилмоқда. Бизнинг мактабимизда деярли ҳамма ўқувчилар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқдалар, «Булбулча» вокал-чолғу ансамбли, болалар хори, қўғирчоқ театри концертлари муваффақиятли ўтмоқда, мактаб кинотеатри ўқувчиларни ҳафтада икки марта илмий-оммабоп, ҳужжатли, бадиий фильмлар билан таништириб бормоқда.

Афсуски, дарсдан тащқари олиб борилаётган ишларнинг ҳаммаси ҳам ўқув жараёнининг ўйғун давомига айланмаётир. Ҳозирча мактабнинг ота-оналар, меҳнат коллективлари билан алоқаси мустаҳкам эмас. Мактабнинг яхши спорт базасидан тўла фойдаланилмаётганлигига ҳам ажабланмаса бўлади — кўп ўқитувчиларнинг ўзлари спорт билан шуғулланмайдилар. Посёлка маданият-спорт иншоотлари ҳам бўш турибди. Республиканинг кўпгина районларида шундай манзарани кўриш мумкин. Умумтаълим мактабларининг ярмидан кўпроғида спорт заллари йўқ бир пайтда ана шундай бўлмоқда!

Партия ва давлат кишилар меҳнатини тағин ҳам мазмунли, қизиқарли, ижодий қилиш учун мунтазам ғамхўрлик кўрсатмоқдалар, деб таъкидлади Косонсой район партия комитетининг биринчи секретари **С. Каримов**. Совет кишиларининг моддий ва маиший шароитларини, бўш вақтларини ташкил этишни, маданий ўсишлари ва жисмоний чиниқишларини яхшилаш учун ҳам кўп иш қилинмоқда. Меҳнаткашларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш хусусида жиддий ғамхўрлик қилинаётган жойларда ишлаб чиқариш ишлари ҳам яхши бормоқда. Буни «Қўқумбой» совхози, «Правда» ва Куйбишев номли колхозларда, СССР 60 йиллигги номли пиллакашлик фабрикаси коллективлари мисолида кўриш мумкин. «Маданият цехи» иши оқсаётган жойларда интизом ҳам бўш, планлар ҳам бажарилмаяпти: «Коммуна», «Қизил октябрь» колхозларида, 58 — ПМК да шундай бўлмоқда.

Афсуски, маданият ўчоқлари ҳали янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилишда, ўтмиш сарқитларига, ичкиликбозлик ва безорликка қарши курашда партия ташкилотларининг таянчига айланганича йўқ. Райондаги ҳамма жўжаликларда маданият комплекслари барпо этилган, лекин улар ўз бурчларини тугал бажармаётирлар.

Район партия комитети маданий-оммавий ва спорт ишлари аҳволи учун партия, совет, касаба союз, комсомол органларига нисбатан талабчанликни кучайтирмоқда. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Биз буни муваффақиятларнинг гарови деб биламиз.

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасаларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори маданий — маърифий ходимларни ғоявий-сиёсий ишларни янгилашга, бойитиш ва актуаллаштиришга, уларнинг самарадорлигини ва ҳужжмкорлигини оширишга даъват этмоқда, деб таъкидлади ўз нутқида Навоийдаги «Фарҳод» маданият саройи директори **Л. П. Казаченко**. У Навоий конметаллургия комбинатининг асосий маданият — спорт комплекси бўлмиш «Фарҳод» маданият саройида кишиларнинг қизиқишларига қараб тузилган 50 дан ортиқ тўгарак, студия ва клуб иш олиб бораётганлигини, бу ерда бир квадрат метр жой ҳам амалда бўш қолмаслигини гапириб берди. Етти коллектив халқ коллективи деган номга сазовор бўлган саройнинг ўзи аъло даражада ишловчи маданият муассасаси деб тан олинган. Маданият саройида ишнинг хилма-хил қизиқарли форма ва методларидан фойдаланилмоқда. Чунончи фарзандларини тўгаракларидаги машғулотларга олиб келган ота-оналар бекорга кутиб ўтирмайдилар, балки халқ университети, ўн уч факультетидан бирида лекция тинглайдилар, суҳбатларда қатнашадилар. «Фарҳод» ходимлари шаҳарда катта қизиқиш уйғотган микрорайонлар, ётоқхоналар байрамларини, корхоналарда, аҳоли яшаш жойларида социалистик мусобақада ғолиб чиққан коллективларни шарафлашга бағишланган кечаларни ўтказишда актив ёрдам бермоқдалар.

Бироқ шу билан бирга маданият саройида техника ижодкорлигини ривожлантириш ишлари ҳамиша ҳам моҳирлик билан ва қизиқарли ўтказилмаётир. Техника ижодкорлиги ишлари катталар учун лекторийлар ва ёш техниклар клублари билан чекланиб қолмоқда. Санъат, бадиий ҳаваскорлик ижодиёти билан чекланиб қолмай, кишиларнинг бўш вақтини тағин ҳам хилма-хил қилиш керак.

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалаларига партия ва совет органларининг эътибори тобора ортиб бормоқда, деб таъкидлади Ўзбекистон ССР спорт комитетининг раиси **М. И. Иброҳимов**. Сўнгги йилларда ўнлаб замонавий, яхши жиҳозланган спорт иншоотлари вужудга келди. Улар орасида «Юбилейний» марказий спорт зали ва Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» комплекси, Самарқанддаги қайиқда сузиш канали, «Чимён» тоғ чанғи спорт базаси бор. Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Тахиатошдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводи, Тошкент областидаги У. Юсупов номли агросаноат бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг маданият — спорт комплексларида минглаб меҳнаткашлар бўш вақтларини ўтказмоқдалар.

Бироқ физкультура ва спорт ишларини ташкил этишда камчиликлар ва нуқсонлар бор. Республиканинг катта ёшдаги аҳолисини айниқса қишлоқ аҳолисини бу ишга жалб этиш даражаси паст, спортчилар ва физкультура активи ўртасида олиб борилаётган сиёсий ва тарбиявий фаолият ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Спорт базаларининг хизмат кўрсатиш қуввати икки баравар ортганига қарамай, улардан ҳануз самарали фойдаланилмаяпти, уларнинг кўпларида соғломлаштириш ишлари бўш ташкил этилган, хўжасизлик, расмиятчилик ва қоғозбозлик фактлари тугатилган эмас. Жиддий текшириш ўтказилаётган жойда ГТО нормаларини топширишни ташкил этиш каби муҳим ишда қўшиб ёзиш фактлари маълум бўлмоқда.

Мактаб ислоҳоти муносабати билан физкультура ва спорт ташкилотчилари олдида катта вазифалар турибди. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг имкониятлари чекланган: ҳар бир спорт залида икки учта спорт анжоми бўлиб, уларга 30—40 киши тўғри келади. Омилкорлар бу соҳада қандай иш қилиш кераклигини кўрсатиб беришди. Улар кўп комплектли ностандарт ускуналарни тайёрладилар. Бундай ускуналар ҳозирнинг ўзидаёқ 200 та ҳунар-техника билим юрти ва мактабларда ўрнатилди. Бу эса жисмоний тарбия дарслари натижасини анча оширди.

Ўзбекистон ССР маданият министри **З. Р. Раҳимбобоева** ҳозир республикада ўн минглаб клублар, кутубхоналар, парклар, музейлар, театр-концерт муассасалари ва бошқа маданият ўчоқлари ишлаб турганлигини, улар ҳар йили 38 миллиондан ортиқ кишига хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Ҳозир улар фаолияти мумкин қадар самарали бўлишига эришиш, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни идеологик жиҳатдан таъминлашга улар қўшадиган ҳиссани кўпайтириш муҳимдир. Бу соҳада муайян ишлар қилинди. Сўнгги вақтда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, драма ва хореография коллективлари, тасвирий санъат тўгараклари сони ошди. Вокал-чолғу ансамблари ва дискотекалар аттестациядан ўтказилди.

Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали етарли эмас. Маданият муассасаларининг мавжуд бинороидан тўла фойдаланилмаяпти. Кўпгина маданий-маърифий тадбирлар айниқса қишлоқ жойларда етарли тайёргарликсиз ўтказилмоқда. Кишиларнинг қизиқишлари ҳисобга олиб тузилган техника тўгараклари ва клублари сони кам. Қисқа қилиб айтганда, маданий-маърифий ишларнинг бутун системасини қайтадан қуриш талаб қилинади.

Республикада клуб муассасалари тармоғининг ривожланиши ҳали ҳам аҳолининг ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Уларнинг кўплари мослаштирилган биноларга жойлашган. Ахир кишилар ўзларини қизиқтирувчи тадбирларга у ерда жой бўлмаса фойдаларкан. Шунинг учун ҳам маданият ўчоқларини қуриш ва жиҳозлашга ажратилган маблағлардан тўла фойдаланмаслик ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳамма жойда бўлгани каби, маданий-маърифий ишларнинг муваффақиятини ҳам ишнинг кўзини биладиган ва ўз ишидан манфаатдор бўлган кадрлар ҳал қиладилар. Шу йилдан бошлаб Тошкент маданият институтига ёшлар кўплаб қабул қилинмоқда. Шаҳар ва район маданият бўлимларида мавжуд штатларни қайта кўриб чиқиш, ёш мутахассисларнинг меҳнати ва турмуши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш юзасидан амалий чораларни кўриш пайти келди.

Маданият саройлари, клублар, спорт иншоотлари кенг меҳнаткашлар оммаси билан жонли мулоқотга, совет турмуш тарзини пропаганда қилишга ижодкор зиёлилар учун катта имкониятлар беради, деди Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Ў. Р. Умарбеков**. Ҳозир ҳар бир маданият ўчоғининг энг юқори самара беришига эришиш, кишиларнинг бўш вақтидан шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун фойдаланиш зарур.

Республика адабиётчилари халқ театрлари ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида олдида катта қарздордирлар. Ҳаваскорлик коллективларининг бир пардали пьесаларида ёки актуал мавзудаги қўшиқларга эҳтиёжлари тўла қондирилмаяпти. Ҳолбуки, ишга ёзувчилар жалб этилмаган ёки ёзувчилар яхши ишламаётган жойларда сохта асарлар пайдо бўлмоқда. Бунинг оқибатида репертуар қашшоқлигича қолмоқда, ҳаваскорлик коллективлари ижро этаётган асарларда кўпинча гражданлик туйғулари сезилмайди.

Сўнгги вақтда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиланди. Ёзувчилар мактабларда, пионер ва ўқувчилар саройларидаги бадиий тўгаракларни, саноат корхоналарининг клублари, маданият саройлари ҳузуридаги адабий бирлашмаларни оталиққа олишга қарор қилдилар. Адабиётчиларнинг меҳнат коллективлари билан дастлабки учрашувлари, суҳбатлариёқ яхши самара берди. Масалан, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган ижодий учрашувда тракторсозлар ҳақида китоб яратиш ғояси туғилди. Бу китоб биринчи навбатда ёш авлодга бағишланади.

Кун тартибида барча ижодий союзларнинг, республика маданият министрлигининг аҳоли кенг қатламлари орасида олиб бораётган ишларини бирлаштириш, бу соҳадаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириб бориш масаласи турибди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, шоирлар, хонандалар, созандаларнинг стадионларда, клубларда, маданият ва истироҳат боғларидаги учрашувлари зўр қизиқиш уйғотмоқда, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари фаолиятини жонлантиришга ёрдам бермоқда.

«Нефтяник» спорт комплекси директори **В. В. Белоногов** Фарғона нефть-химиклари ўртасида жисмоний тарбия, спорт ва оммавий-маданий ишларнинг қандай ташкил этилганлиги ҳақида сўзлаб берди. У «қора олтин»ни қайта ишловчилар ихтиёрида маданият саройи, ўғуриш йўлкаларига синтетик қоплама ётқизилган стадион, иккита запас футбол майдони, бокс ва оғир атлетика билан шуғулланадиган заллар, суви иситиладиган бассейн, медицина-соғлиқни тиклаш маркази, ўйин майдончалари, дам олиш зонаси мавжудлигини таъкидлади. Буларнинг ҳаммаси корхонада ишловчиларнинг кўпчилигини ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига актив жалб этиш имконини берди. Бунинг устига маданият саройи ва спорт комплекси эшиклари Фарғонадаги барча корхоналар ва муассасалар ходимлари учун кенг очиқ.

«Дадам, ойим, мен — спорт оиласимиз» каби оммавий мусобақалар, «Бутун бригада билан стадионга» кўрик-конкурси катта қизиқиш уйғотмоқда. Меҳнат коллективлари социалистик мусобақаларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларида албатта иштирок этиш моддаси ёзиб қўйилганлиги ҳам спорт машғулотларига жалб этишда ёрдам бермоқда. Бу эса пировардида корхонанинг умумий кўрсаткичларига ижобий таъсир қилмоқда. Турли касалликлар сабабли иш вақтининг нобуд бўлиши қисқармоқда, кадрлар қўнимсизлиги камаймоқда.

Шу билан бирга жисмоний тарбия-спорт ва маданий-оммавий ишларни ташкил этишда камчиликлар ҳам бор.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети сектор мудири **В. Н. Костецкий** нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган резолюцияда КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги тадбирлар белгиланди. (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАДИЛОДИМИ

(Боши 1-бетда).

Тухум харид қилиш давлат ярим йиллик плани ҳамда пилла харид қилиш йиллик плани ошириб бажарилди.

Шу билан бирга колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт ва сут етиштириш камайди. Бир қанча колхозлар ва совхозларда агротехника даражаси паст, ем-хашак тайёрлаш суръатлари етарли эмас, чорвачиликнинг энг муҳим маҳсулотларини харид қилиш ярим йиллик плани бажарилиши таъминланмади ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиб кетди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишига, меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Тармоқларни машина ва механизмлар билан жиҳозлаш давом эттирилди. 6688 трактор, 763 ғалла ўриш ва 410 силос ўриш комбайнлари, 4153 трактор плуги, 6995 культиватор, 2338 трактор ўроқ машинаси, 16.526 жоди, 587 пресс подборщик, 4521 трактор сеялкаси, 2934 пахта териш машинаси ва бошқа кўп машина-ускуналар етказиб берилди. 100 процент тўйимли моддаларга айлантириб ҳисоблаганда қишлоқ хўжалиги 752 минг тонна минерал ўғит ва 2,5 минг тонна химиявий озуқа қўшимчалари олди.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағ 1,6 миллиард сўм, шу жумладан қишлоқ хўжалигида 1,3 миллиард сўм бўлди.

13,1 минг бошга мўлжалланган оғилхоналар, 27,2 мингта парранда боқиладиган хоналар қурилди, тухум ва гўшт етиштирадиган парандачилик фабрикаларининг қуввати оширилди, силос ва сенаж иншоотлари, минерал ўғит ҳамда заҳарли химикатлар сақланадиган механизациялашган омборлар ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Мелиорация иншоотлари қурилишига сарфланган капитал маблағлар 671 миллион сўмни ташкил қилди, 37 минг гектар янги суғориладиган ер фойдаланишга қабул қилиб олинди. 102 минг гектар яйловга сув чиқарилди. Мавжуд суғориладиган ерларнинг 30 минг гектари мелиоратив ҳолати яхшиланди. 21 минг гектар майдондаги мавжуд суғориладиган ерлар яхшилаб текисланди, 353 минг гектар майдонда илгари сув чиқарилган яйловлардаги сув хўжалиги иншоотлари реконструкция қилинди, 57 минг гектар майдонда суғориш системаларини қайта қуриш ва бу системаларнинг сув таъминотини ошириш ишлари бажарилди.

Ўрта Осиё темир йўлининг Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлими халқ хўжалик юклари ортишни 2,6 процент кўпайтиришни бўлсада, юк ортиш ярим йиллик плани бир мунча етказиб бажарилмади. Йўлнинг Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлимларида юк обороти ярим йиллик планда кўзда тутилган даражага нисбатан ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пасайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида юк ва пассажир ташиш, юк обороти ва пассажир обороти, енгил таксомоторларнинг пулли қатнови ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ортди. Юк ташиш ва енгил таксомоторларнинг турли қатнови ярим йиллик плани бажарилди. Шу билан бирга юк обороти, пассажир обороти, пассажирлар ташиш плани бир оз бажарилмай қолди.

Ҳаво транспорти пассажир обороти, юк ва пассажирлар ташиш плани, авиациянинг халқ хўжалиги тармоқларига хизмат қилиш ишлари ҳажми плани ошириб бажарилди. Йилнинг биринчи ярмида 2,5 миллион киши ташилди. Халқ хўжалигининг транспорт орқали юк ва пасажирлар ташишга бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилаётир, деб бўлмайди.

Алоқа корхоналари маҳсулот ҳажми планини бажарди; маҳсулот ҳажми ўсиши 5 процентга етди. Шу билан бирга бир қанча ҳолларда хизмат кўрсатиш сифати паст бўлиб қолмоқда.

Капитал қурилишида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспортда, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Кўпдан-кўп ўй-жойлар ва социал-маданий объектлар қурилди.

Халқ хўжалигига сарфланган давлат капитал маблағлари 2,6 миллиард сўм бўлди.

Давлат қурилиш-монтаж ташкилотлари буюртмачиларга 1,0 миллиард сўмлик товар, бинокорлик маҳсулотлари топширди.

Шу билан бирга қурилиш ишларида жиддий камчиликлар ҳам бор.

Йилнинг биринчи ярмида, деб таъкидланади сўнгра ахборотда, республикани социал ривожлантириш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш давом этди.

Халқ хўжалигида ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 160,1 сўм бўлди. Колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ 1,3 процент ошди.

Республика аҳолиси ижтимоий истеъмол фондларидан 3,2 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 163 миллион сўмлик кўпроқ тўлов ва имтиёзлар олди. Мана шу тўлов ва имтиёзлар қўшиб ҳисобланганида ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи ойига 243,9 сўмни ташкил этди.

Аҳолига маиший хизмат ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,5 процент ортди. Шу билан бирга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг ярим йиллик плани умуман республика бўйича, шунингдек қишлоқ жойларда бажарилмади. Маиший хизматнинг буюртмаларни бажариш сифати ва муддатлари аҳолини ҳамиша ҳам қондираяпти деб бўлмайди.

Республика меҳнаткашлари давлат жамоат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотлар, шу жумладан уй-жой қурилиш кооперативлари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган жами саҳни 1,7 миллион квадрат метр ёки 1984 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 65 минг квадрат метр кўп 26 мингта янги шинам квартиралар олдилар. Бундан ташқари аҳоли ўз маблағлари ва давлат кредити ёрдами билан кўпдан-кўп якка тартибда уй-жойлар қуриб олди.

33,3 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 15,7 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 2,2 минг ўринли касалхоналар, 2,9 минг кишини қабул қилишга мўлжалланган амбулатория-поликлиника муассасалари, бошқа социал-маданий объектлар фойдаланишга топширилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Республиканинг умумий таълим мактабларида 4 миллион 359 минг киши, ҳунар-техника билим юртларида 283,2 минг киши, махсус ўрта ўқув юртларида 273,0 минг киши, олий ўқув юртларида 289,5 минг киши ўқиди. Шу йил 377 мингга яқин йигит ва қиз ўрта маълумот олди, шулардан 60 мингга яқин киши ўрта билим юртларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда битирди.

135 минг мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 51 минг киши ва махсус ўрта маълумотли 84 минг киши тайёрланди.

Республика аҳолиси 1985 йилнинг 1 июлида 18,2 миллион кишидан иборат бўлди.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК

(Боши 1-бетда).

Бу куйга янги ва янги овозлар жўр бўлади.

Ленинград проспекти. Унга ётқизилган тошлар жуда кўп юришларни кўрган. Бу тошлар 1941 йил ёзида мактабнинг битирув балидан бутун синф билан тўғри фронтга кетган болаларнинг енгил одимини эслайди.

Мана бугун Ленинград проспекти бўйлаб планета янги авлоди сафлари хилма-хил кийимда ва хилма-хил тилларда сўзлашувчи икки жўшқин оқим бўлиб бормоқда.

Намойишчилар сафлари «Динамо» стадионига кириб келади. Электр таблода «Урушга йўл йўқ!» деган сўзлар порлайди.

Иккинчи жаҳон уруши солдатларининг миннатдор авлодлари, уларнинг тенгдошлари, планетадаги беш қитъа вакиллари 28 июль кечқурун пойтахтдаги «Динамо» стадионига келдилар. Бу ерда гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган митинг бўлди.

Бугун Москва анжуманининг 50 минг делегати ва меҳмонини сиғдирган катта спорт майдонини оқ ва зангори байроқлар, фестиваль мойчечаги безаган. Минбарлар устидаги улкан транспарантларга «Ўтган уруш сабоқлари унутилмаслиги керак», «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун!» сўзлари ёзилган.

Стадионнинг марказий ложасида В. В. Гришин, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, С. Л. Соколов ўртоқлар ҳозир бўладилар. Митинг қатнашчилари уларни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Яшил майдонга бешта нур бўйлаб марказ томон фанфарачилар кириб келадилар. «Диққат!» деган сигнал янграйди. Фестивалнинг фахрли меҳмонлари— Улуғ Ватан уруши ветеранлари, гитлерчиларга қарши коалиция армияларининг ветеранлари, қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчилари поёндозлдан президиумга йўл олдилар.

Фестиваль қатнашчиларининг таклифига мувофиқ хотира гулшодалари қўйиш учун бу ердан делегация Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабри томон йўл олади.

Митингда фестиваль халқаро тайёргарлик комитети доимий комиссияси секретарь—координатори Жан—Клод Кеннеди, Совет Иттифоқи қаҳрамони, уччала даража Шуҳрат ордени-нинг кавалери И. Г. Драченко, ер юзи ёшларнинг вакиллари— фестиваль делегатлари сўзга чиқдилар.

Инсоният билан урушлар ичидаги энг даҳшатлиси бўлган ўтган урушнинг ҳеч қачон ёддан кўтарилмайдиган хотираси ёшлар анжумани қатнашчилари ва меҳмонларини Номаълум солдат қабрига гулшодалари қўйишга даъват этди. Бу ҳақда «Динамо» стадионидаги митинг қатнашчилари қарор қабул қилдилар. Машиналар кортежи стадион майдонидан фахрли доира ясаб, тўғри Александр боғига йўл олади.

Турли қитъалар вакиллари Номаълум солдат қабри олдида бир текис саф тортиб турибдилар. Улар Ватанни ҳимоя қилиб, Европа халқларини фашистлар асоратидан халос этишга, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган совет жангчисига ҳурмат бажо келтириш учун бу ерга келганлар.

Соат 20.00. Қабр бошидаги қизил гранит тош устига қизил чинни гуллар қўйилди. Абадий олов алангаси мармар плита устидаги ёзувларни ёритиб турибди: сенинг номинг номаълум жасоратинг ўлмасдир.

Тантанали колонна Александр боғидан чиқади. У яна «Динамо» стадиони томон йўл олади.

Бу ерда кўрсатилган «Тинчлик урушни енгади» театрлаштирилган томоша ҳаётга муҳаббат, оптимизм, ёрқин келажакка ишонч билан томошабинларни ром этди. Анжуман делегатлари ва меҳмонлари фестивалнинг «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» олижаноб шиорига мос тушадиган бу унутилмас томошанинг гувоҳи бўлдилар.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

ДАНИЯ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ ЮРИШИ

КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахтида, шунингдек мамлакатнинг бошқа бир қанча шаҳарларида тинчлик тарафдорлари ҳаракати активларининг ташаббуси билан уюштирилган юриш бошланди. Унинг қатнашчилари урушга қарши белгилар билан безатилган велосипедларда турли йўллар орқали Зеландия оролининг шимолидаги Фредериксхавн шаҳрига йўл олдилар. Дания тинчлик тарафдорлари ана шу шаҳардан Ослога борадилар. 6-8 август кунлари Ослода «Тинчлик-85» учрашуви бўлади.

НОРОЗИЛИК БЕЛГИСИ

ПАРИЖ. Франс-пресс агентлигининг хабар қилишича, Франциянинг ЖАРдаги элчиси Иоханнесбургдан жўнаб кетган. Элчини Франция ҳукумати Претория маъмурларининг Жанубий Африка туб аҳолисининг иркчиликка қарши оммавий намойишлари қатнашчиларидан қонли ўч олганликларидан норозилик белгиси сифатида чиқариб олган.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ КУНИ

БРАЗИЛИА. Бразилияда қишлоқ меҳнаткашлари миллий куни демократик ер ислоҳотини ҳимоя қилиш шиори остида ўтди. Мамлакатнинг турли районларида деҳқонларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Намойишларнинг қатнашчилари заминдорларнинг ўзбошчалигига чек қўйилишини талаб қилдилар. Мана шу заминдорлар деҳқонларнинг раҳбарларига қарши террор ёрдамида аграр ислоҳотлар амалга оширилишига йўл қўймасликка интилмоқдалар.

ГСДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ТАЛАБИ

БОННН. ГСДПнинг ГФР Бундестагидаги фракцияси ХДС/ХСС ва ЭДП коалицион ҳукуматидан БМТ хавфсизлик кенгашининг даватига жавобан ЖАРга нисбатан иқтисодий жазо чоралари кўришни талаб қилди.

Шу муносабат билан Бундестагда ГСДП фракциясининг ташқи сиёсат масалалари бўйича эксперти Карстен Фойгт ҳукуматни «апартеид режимига панжа орасидан қараш»да айблади.

(ТАСС, 29 июль).

• ҲАММА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

• КОМСОМОЛ – ЁШЛАР ПИЧАН ЎРИМИДА

• ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ РЕМОНТИ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?



◆ ПАРКЕНТ районидаги «Ленинобод» совхози озуқакорлари чорва қишлови учун мўл-кўл ем-хашак жамғаришда пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш, ташиш ва ғарамлаш ишлари конвейер усулида йўлга қўйилганлиги туфайли ҳозирга қадар совхоз бўйича 3300 тоннага яқин дағал хашак тайёрлаб қўйилди. Суратларда: (чапдан) илғор механизатор Фарҳод Шермуҳамедов. У ем-хашак ўримида ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатиб ишламоқда; совхоз сут-товар фермасида ем-хашакни ғарамлаш пайти.

Н. ШАРИПОВ фотолари.

ТЕХНИКА РЕМОНТИНИНГ БОРИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

МАЪЛУМОТГА МАҲЛИЁ БЎЛМАНГ

ЧИНОЗ РАЙОНИДА ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИ КЕЧИКМОҚДА

Бу йил пахтакорлар учун об-ҳаво қулай келди. Ҳа, буни тан олиш керак. Об-ҳаво ноқулай келган йилларда биз у ҳақда сўзлашни, деҳқонларнинг қийинчиликларни мардонавор енгаётганликларини гапиришни яхши кўрамизу, об-ҳаво яхши даврда жим қоламиз, ҳатто бироз хотиржамликка ҳам бериламиз. Ҳозир Чиноз районида ҳудди шунақа хотиржамлик ҳукм сурянти. Биз бунинг гувоҳи бўлдик. Об-ҳаво баҳорда ҳам, ёзда ҳам қулай келаётгани шарофати ва пахтакорнинг фидойи меҳнати туфайли ғўзанинг ривожи бир ҳафта-ўн кун эрта.

Район агросаноат бирлашмаси, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси томонидан тайёрланаётган ва райондаги аҳволни областда «кўз-кўз» қилиб турган расмий маълумотларга қарасангиз, ҳамма нарса жойидага ўхшаб кўринади. Масалан, районда жами 138 та пахта териш машинаси бор. Шундан ҳозир 115 таси мавсумга тайёр. Ва яна шундан... 78 таси трактори билан тайёр, қолганларининг трактори ҳозирча йўқ — культивацияда ишлатилаётган эмиш.

Районда тайёрланиб, ахборот тариқасида юқори ташкилотларга узатилаётган маълумотлар билан танишиб бўлиб, район агросаноат бирлашмасининг бош инженери Абдуҳафиз Иброҳимов, «Райсельхозтехника» бош инженери Олтиножмаммад Исмонловдар билан бирга хўжаликларга йўл олдик.

Карл Маркс номли колхознинг машина-трактор устахонаси дарвозасидан киришингиз билан нохуш манзара кўзингизга ташланади: майиб-мажруҳ тракторлар, эҳтиёт қисмлар, темир-терсаклар ҳамма ёқда сочилиб ётибди. Лекин ишлаётган бironта одам йўқ, соат эса 15 бўлган. Қоровул ичкари хонага кириб бош инженер Сандумар Тожиқуловни айтиб чиқди. Биргалашиб терим техникаси тайёрлигини кўра бошладик. Усти очиқ, атрофи қўлбола товуқхонанинг симтўри билан ўралган жойда бир-биридан хунук «зангори кема»лар қаторлашиб турибдики, улар «зангори кема»га мутлақо ўхшамайди — учтаси тракторлар билан, лекин уларнинг двигатели йўқ, 6 та бункер тракторсиз (тракторлар культивацияда эмиш), ҳисобдаги битта машина эса мутлақо йўқ.

— У бригаданинг дала шийпонида, — деди бош инженер.

— Нега?

— Тракторчилар культивациядан бўш вақтларида ремонт қилишади.

Колхознинг марказий устахонасида бironта ремонтчи-тракторчи бўлмагани ҳолда далада, ҳам культивацияда, ҳам ремонтда «жонбозлик кўрсатиб» ишланаётгани кулгили эди, холос.

Районнинг расмий маълумотида бу хўжаликдаги аҳвол қуйидагича: «колхозда 10 та пахта териш машинаси бор, шундан 7 таси мавсумга тайёр». Ҳақиқий аҳвол: «биттаси ҳам тайёр эмас!». Бу ва бошқа колхозлардаги пахта териш машиналарининг бironтаси бўялганини кўрмадик. К. Маркс номли колхоз гаражида бунинг устига ёпиқ томининг ўзи йўқ. Машиналар қишда қор-ёмғир, ёзда жазирама офтоб остида турганидан кейин «зангори» кемаларнинг ҳаммаси ҳам қолмаймалигидан асар ҳам қолмаган, рангсиз кемага айланиб кетган.

— Нега бу йил бironта машина бўялмаган? — сўраймиз «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бош инженери Х. Исмонловдан.

— Бўёқ жуда кам ажратилади бизга, — дейди бош инженер, — уни фақат терим аппаратларини бўяшга ишлатамиз. Ҳатто шу аппаратларни бўяшга ҳам етмай қолиб, дуч келган бошқа рангдаги бўёқни ишлатиб юборамиз. — Бош инженер шундай дея ярми зангори, ярми яшилга бўялган аппаратга ишора қилди...

Қизиқ, «Госкомсельхозтехника»нинг область бирлашмасидан райондаги пахта териш машинаҳарини бўяшга ажратилаётган бўёқ машина у ёқда турсин, бир қулоч аппаратни бўяшга ҳам етмаётганлиги жуда қизиқ...

Бўёқ эса машинани фақат кўримли қилибгина қолмай, уни занглаш-чиришдан ҳимоя қилиш воситаси ҳамдир. Демак, машиналарнинг умри узайиш ўрнига қисқараяпти. Область бирлашмаси раҳбарлари бунчалик «бўёқ камёблиги»ни нима билан изоҳлашар экан?

Райондаги энг йирик ва илғор хўжаликлардан бири ҳисобланган Охунбобоев номли колхозда 26 та пахта териш машинаси бор. Охунбобоевликлар бу йил пахта ҳосилини ҳашарчиларсиз йиғиштириб олиш ташаббуси билан чиққанлар. Демак, асосий юк терим агрегатларининг зиммасига тушади. Устахона мудири Тошпўлат Исҳоқов ҳамроҳлигида машиналарни кўздан кечирганимизда тайёргарликдан бироз қониқиш ҳосил қилдик. Агрегатлар усти епиқ бостирма остида сақланаяпти, асосий ремонт ишлари тугалланган. Бироқ, бу ерда ҳам агар зарур бўлса эрта-индин пахтазорга ҳайдаб киравераётгандек. Лекин ишлаётган бironта машина йўқ. Ҳар қайсисида қандайдир «майда-чуйда» қисмлар етишмайди. Зотан, ўша майда-чуйдасиз машинани ишлатиб бўлмайди. Ҳолбуки, расмий маълумотда бу хўжаликдаги «26 та машинанинг 20 таси тайёр».

«Тайёр» деганда биз механизатор рулга ўтириб ҳайдаб кетаверадиган, ҳайдаганда ҳам икки қадам юриб бузилиб қолмайдиган машинани тушунамиз.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозига ўтиб, К. Маркс номли колхоздагига яқин манзаранинг гувоҳи бўлдик. Расмий маълумотда бу хўжаликдаги «18 та терим агрегатининг 12 таси тайёр» дейилган.

— Ҳозир шу «тайёр» машиналарнинг бironтасига ўтириб, жойидан юргиза оласизми? — сўрадик колхоз бош инженери Жаъфарали Холиқовдан.

— Йўқ, — деди у ноилож.

— Нега?

— Чунки, трактори билан турган мана бу 8 та «зангори кема»ларнинг ҳам аккумулятори, динамоси, бошқа электр қисмлари йўқ.

Аккумуляторлар ҳали район «Сельхозтехника»сига келмабди. Энди келармиш. Бошқа қисмларни тракторчилар культивациядан бўшагандан кейин ўзлари қилармиш!..

Соат 16.30 бўлишига қарамай юқоридаги икки хўжалик устахоналардаги каби бу ерда ҳам жилла қурмаса, биттагина ремонтчини учратмадик. Гўё ҳамма машина тахт қилиб қўйилган. Ҳакиқатда эса... хотиржамлик, назоратсизлик ҳукм сурмоқда!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ

ОМОЧДАН «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРГАЧА

Ўрта Осиё машина синаш станцияси ҳузурида очилган Ўзбекистон пахтачилигини механизациялаш тарихи музейида кўҳна омочдан тортиб замонавий қудратли машиналаргача қўйилган.

Бу ерга ҳаммаси бўлиб юздан кўпроқ механизм ва уч мингга яқин экспонат—фотосуратлар, картиналар, ҳужжатлар қўйилган. Уларни станция ходимлари кўп йил мобайнида битталаб тўплаган деса бўлади. Масалан, ёғоч омочни қидириб топиш учун республиканинг жуда кўп колхоз ва совхозларини кезиб чиқишга тўғри келди. Қўшни Қозоғистонда биринчи беш йилликларда пахтакорларга ҳалол хизмат кўрсатган дастлабки СТЗ тракторларидан бири топилди. Ҳужжатларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик ветеранлари совға қилишди.

Натижада пахтачиликни механизациялаш юзасидан жуда бой материаллар коллекцияси вужудга келтирилди. Тошкент музейларининг мутахассислари ёрдамида тартибга солинган бу ҳужжатлар чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаларидан бири бўлган Ўзбекистон ибтидоий қишлоқ хўжалигидан улкан аграр саноат комплексига айланганлигини батартиб ва жонли ҳикоя қилувчи масканга айланди. Эндиликда Ўзбекистон дунёдаги ўнлаб мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юборибгина қолмай, машиналар, техника ечимларини ҳам юбормоқда.

Ўзбекистон пахтачилиги довруғини бутун оламга таратган меҳнат кишилари ҳақида алоҳида ёрқин саҳифаларда ҳикоя қилинади. Булар орасида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Афанасьевич Тюпко ҳам бор.

Янги музейни республика «Рассом» бадиий комбинатининг ходимлари жиҳозлашди. Улар музей учун учта диорама тайёрлаб беришди.

Машина синаш станциясида ишлаб турган илғор тажриба мактаби тингловчилари, республиканинг турли жойларидан келган механизатор ва инженерлар музейнинг биринчи томошабинлари бўлишди. Экскурсиядан сўнг эса улар ўз ёрдамларини таклиф этишди. Ахир улар ишлаётган хўжаликларда пахтачиликни механизациялашни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қимматли эсдаликлар оз эмас. Музей коллекцияси янги-янги материаллар билан бойиб бормоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

МАҲСУЛОТ ТОПШИРИШ ҚИЗҒИН

ТОШКЕНТ районидаги Ильич номли колхознинг II даражали Шуҳрат ордени кавалери Абдулла Азимов бошлиқ бригадаси сабзавоткорлари давлатга маҳсулот топширишни кун сайин қизитмоқдалар. Ҳозирга қадар эл дастурхонига 310 тонна эртаги карам, 125 тонна пиёз ва бошқа хил сара маҳсулот етказиб берилди. Шунингдек 14 гектар ерга экилган картошкадан 135 тонна ҳосил олинди.

Хўжалик пешқадамлари бу йил 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Халимхўжа Ҳамидов, Қурбоной Раҳматуллаева, Мавжуда Асророва, Халил Каримов, Тамара Холмуҳамедова ва Насиба Каримова сингари сабзавоткорларнинг бутун диққат-эътиборлари ана шу майдонга экилган турли хил қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштиришга қаратилган.

Ф. БЕГИЖОНОВА.

80 ТОННАГА ЕТКАЗИШМОҚЧИ

ЧОРВА қишлови учун мўл-кўл ва сифатли озуқа жамғариш ишларида Оққўрғон райони комсомол-ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Шу мақсадда район комсомол комитети томонидан тузилган «Зарбдор» комсомол отряди аъзолари айни кунларда «Партия XXII съезди» колхози озуқаворларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Отряднинг Собир Дўлданов, Рустам Маҳмудов, Абдуносир Назаров, Муҳтарама Норбоева, Элмира Ўртаева ва Холисхон Ўтанова сингари аъзолари, айниқса, намунали меҳнат қилиб кунига қуруқ пичан ҳисобида 200 килограммдан дағал хашак тайёрлашга эришмоқдалар.

Комсомол-ёшларнинг шу кунгача жамғарган озуқалари 50 тоннага яқинлашиб қолди. Улар бу кўрсаткични мавсум охиригача 80 тоннага етказиш мақсадида суръатни кун сайин оширмоқдалар.

М. МИРКАМОЛОВА.

РАЙОН ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДАН

ҲАММА СОҲАГА ДАХЛДОР

КАЛИНИН

Районда колхоз, совхоз, ёрдамчи хўжаликлардан ташқари 2 та конструкторлик бюроси, 2 та илмий-текшириш институти, 13 та саноат корхонаси, ўнлаб қурилиш, транспорт ташкилотлари ишлаб турипти. Партия-хўжалик активи йиғилишида бу корхоналарда янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича бажарилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан ўтказилган кенгаш талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев докладида баён этилган қоида ва хулосалар асосида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Докладчи район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Хайдуров, музокарада сўзга чиққан Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти бўлим мудири Ф. Г. Гатин, Ўртаовул ремонт-механика заводи директори А. К. Даянаев, «Москва» колхози партия комитетининг секретари А. Каримжонов, «Ёш ленинчи» алоқа бўлими бошлиғи, партия бюроси секретари М. Ирисматова ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, фан ютуқларини жорий этиш бўйича бажарилаётган ишлар устида атрофлича тўхталдилар. Асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратдилар.

Саноат корхоналари беш йилликнинг ўтган даври планини бажара олмади. Давлат сифат белгисини олган бирорта ҳам маҳсулот тури йўқ. Қурилишда ҳам шундай кўнгилсиз ҳоллар юз бераяпти. Асосий фондларни ишга туширишнинг плани 72 процент бажарилган холос. 26,6 миллион сўмлик иш бажарилмай қолди. Механизмлардан суст фойдаланилаётганлиги учун ҳам қурилишда меҳнат унумдорлиги пландаги 8,6 процент ўрнига атиги 2,4 процент ошди.

Йиғилиш қатнашчилари кўп ҳолларда технология интизоми бузилаётганлиги, қўнимсизлик авжига минаётганлиги, реконструкция ва цехларни янги техника билан жиҳозлаш суст олиб борилаётганлигини афсусланиб гапирдилар. Ўтган давр мобайнида прогуллар натижасида 22 минг ишчи куни йўқотилди. Жойларда 1 миллион 914 минг сўмлик асбоб-ускуна кўп йиллардан бери ўрнатилмай келяпти. Булар-нинг бир қисми чет элларда олтин баҳосида олинган эди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифасига комплекс ёндашиш керак. Ҳозирча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва чорвачиликда механизмлардан самарасиз фойдаланилмоқда. Бу участкаларда асосий ишлар қўл кучи билан бажарилаяпти. Шу боисдан ҳам маҳсулот таннархи қимматлашиб бормоқда. Йиғилишда техникани тараққий эттириш, илғор технологияни жорий этиш шу куннинг талаби эканлиги алоҳида таъкидланди.

ЯНГИЙЎЛ

Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларини, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев докладини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Суҳбатлар ва учрашувларда халқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда фан-техника роли алоҳида шарҳлаб берилмоқда. Партия-хўжалик активи йиғилишида ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштириш давр талаби эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Л. Ш. Алиқулованинг докладида, музокарада қатнашган У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси партия комитетининг секретари Ш. Абдураҳимов, республика бош ҳисобласи марказининг Янгийўл филиали директори Ф. Маликов, Ленин номли колхоз механизатори С. Холдоров, «Коммунизм» колхози бош инженери К. Усеинов ва бошқа ўртоқларнинг сўзларида экономикани бошқаришда, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ҳали кўп иш қилиш зарурлиги уқтирилди.

Район саноати ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ярим йиллик планини бажара олмади. Буюртмачиларга 1 миллион 493 минг шартли банка консерва, 32 тонна каноп толаси, 165 тонна пахта толаси ва бошқа хил маҳсулотлар кам етказиб берилди. Корхоналарнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамон пастлигича қолмоқда. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга, фан ва техника ютуқларини жорий қилишга эътиборсизлик билан қаралаётганлиги учун ҳам корхоналарда унумдорлик ўсмаяпти, таннарх эса қиматлашиб бораяпти.

Консерва заводида рационализаторлик ва ихтирочнлик ҳаракатини ривожлантириш устида мутлақо ғамхўрлик қилинмаяпти. Ўтган йили атиги 3 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди холос. Бундай ҳол пахта тозалаш заводи, Новомихайловка луб заводида ҳам рўй бермоқда.

Йиғилиш қатнашчилари қурилиш ташкилотлари фаолиятини ҳам ишчанлик билан таҳлил қилдилар, йўл қўйилаётган нуқсонларни кўрсатиб ўтдилар. Районда асосий фондларни ишга туширишнинг бўйича белгиланган ярим йиллик план 51,3 процентда қолиб кетди. Натижада кўплаб объектларнинг қурилиши асоссиз равишда чўзилиб кетмоқда.

Колхоз ва совхозларда инженерлик хизмати қониқарли ташкил этилмаётганлиги ҳам йиғилишда эслатиб ўтилди. Ўтган йили район хўжаликлари 1 миллион 55 минг сўмлик янги техника воситалари сотиб олдилар. Лекин улардан самарали фойдаланиш, асраб-авайлаш устида етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти. Кўпгина техника воситалари барвақт ҳисобдан чиқариб юборилаяпти. Бундай ҳол билан келишиб бўлмайди.

Техникадан фойдаланиш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш керак. Аввало, пахта теримида машиналардан кенг фойдаланиш лозим. Беш йиллик бошида машиналар билан 23,8 минг тонна пахта терилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 15,6 минг тоннага тушиб қолди. Айниқса, «Коммунизм», Ленин номли колхозларда машиналардан унумсиз фойдаланиляпти.

Ҳамма соҳада ишни техника елкасига юклаш, қўл меҳнатини енгиллаштириш чораларини кўриш керак. Бунинг учун янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш устида қайғурмоқ зарур.

ЎСИМЛИК ВИРУСЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Вируслар грипп, чечак, полиомиелит, қизамиқ каби касалликларни келтириб чиқарувчи воситалардан ҳисобланади. Улар фақат тирик организмда ривожланади ва кўпаяди. Шунинг учун ҳам вирусларни ўрганиш, уларнинг табиатини билиш учун олимлар асрлар давомида изланиб келмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, 1930 йилдан кейин — электрон микроскоп кашф қилингандан сўнг дадил қадам ташланди. Ҳозирга қадар инсон организмида касаллик туғдирадиган 300 дан ортиқ, ҳайвон ва ҳашаротлардан 400 дан ортиқ, шунингдек ўсимликларда 400 дан ортиқ вируслар борлиги аниқланди.

Республикамизда ҳам вирусларни ўрганиш ва унга қарши курашга доир кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ўсимликлар вирусларини ўрганиш қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Сўнгги йилларда помидорда учрайдиган столбур, стрик, мозаика, бодринг ва ковунда учрайдиган мозаика, картошканинг 40 дан ошиқ вирус касалликларини ўрганиш йўлида муҳим ишлар қилинди.

Вирус ва микоплазма касалликлари ўсимликнинг ўсиш қобилиятига таъсир этишдан ташқари ҳосил сифатини пасайтириб юборади, сабзавот ва меваларнинг таъми ўзгаришига таъсир кўрсатади. Масалан, кенг тарқалган помидор мозаикаси деб аталган вирус касаллиги ҳосилдорликни 25—40 процентгача камайтириб юборишги аниқланган.

Вирус касалликлари ўсимлик пояси ва баргидаги шарбатни сўриб олувчи ҳар хил ҳашаротлар орқали касал ўсимликдан соғ ўсимликка ўтиши мумкин. Бу касалликлар парник ва теплицаларда кўчат етиштириш даврида ўсимликка юқиб, далага кўчириб ўтказилгандан сўнг тез ривожланади. Далада эса бегона ўтларда ҳамда ўсимлик қолдиқларида қолган касаллик вируслари тўғридан-тўғри ўсимликнинг ривожланаётган қисмига тегиб туриши натижасида тарқалиши мумкин.

Вирус тарқалишининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир. Энг аввало, экин майдонларининг ён-атрофидаги, ариқлар уватларидаги ёввойи ўтларни, уларда қишлаган ҳашаротларни йўқотиш лозим. Бунинг учун тракторга ўрнатилган махсус мосламалар ёрдамида 4—6 процентли нитрофан суюқлигидан фойдаланишга тўғри келади. Экинзор ичидаги бегона ўтларни эса техника ва қўл меҳнатидан фойдаланилган ҳолда йўқотиш ҳамда экин майдонларидан чиқариб ташлаш зарур.

Вирусларга қарши курашда алмашлаб экиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни қатъий йўлга қўйиш лозим. Масалан, бир майдонга кетма-кет картошка ёки помидор сингари экинларни ҳар йили экавермаслик керак.

Маълумки, зараф ёш ниҳоллар касалликка жуда тез чалинади. Бунинг олдини олиш учун теплица ва парникларда етиштирилаётган кўчатларнинг говлаб кетишига йўл қўймаслик, аксинча, уларни соғлом ва дуркун қилиб ўстириш чораларини кўриш лозим. Энг муҳими, агрохника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилса, айни муддао бўлади. Шу мақсадда экин майдонларини чуқур ва сифатли ҳайдаб, органик ҳамда минерал ўғитлар билан тўйдириш, ишлов беришни ўз муддатида амалга оширишга тўғри келади.

Вегетация даврида касаллик белгилари аниқланган ўсимликларни ва бегона ўтларни дарҳол юлиб, даладан йўқотиш шарт. Сабзавот-полиз ва картошка ўсимликлари ўсиш, ривожланиш даврида шира, чирилдоқ ва шунга ўхшаш ўсимлик ширасини сўриб, вирус касалликларининг тарқалиб кетишига сабаб бўлувчи зараркунанда ҳашаротлар кўпайиб кетган тақдирда 0,15—0,2 процентли рогор ёки «БИ-58» каби препаратларнинг 1500—2000 граммини минг литр сувга қўшиб ўсимликка пуркаш ҳам яхши самара беради.

Касаллик тарқатувчи вируслар ўсимликлар уруғида ҳам сақланиши мумкин. Шунга кўра касаллик аломатлари бор ўсимликлардан уруғлик олиш мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда сабзавот-полиз, картошка, пахта ва бошқа ўсимликлардаги вирус ҳамда микоплазма касалликларига қарши кураш СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишида асосий омил-лардан бири ҳисобланади. Вирусларга қарши кураш областимиз қатор колхозларининг теплица хўжаликларида намунали олиб борилмоқда. Бу борадаги ишлар дала шароитида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хўжаликлар катта иқтисодий самара олмоқдалар. Ўз ўрнида хўжаликларда мўлжалдагидан анча кўпроқ ҳосил олиш имконияти яратилмоқда.

Келажакда ўсимлик вирус ва микоплазма касалликларини ўрганиш бўйича марказлашган лабораториялар ташкил қилиш илмий-тадқиқот ишларини мужассамлаштирилган ҳолда олиб боришда янада мукаммалроқ тадбирлар белгилаш имконини беради.

В. МИРЗААҲМЕДОВ,
биология фанлари кандидати, СССР микробиология жамиятининг аъзоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«ТАШАББУСНИ ҚУВВАТЛАШ КЕРАК»

Газетанинг шу йил 5 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали материалга Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитети рансининг ўринбосари М. И. Гриневдан жавоб хати олинди. Унда бундай дейилади: «Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитети капитал қурилиш бошқармаси 1985 йил планига мувофиқ Тошкент бройлер паррандачилик фабрикаси қурилишига 6 миллион 185 минг сўм, шу жумладан 4818 минг сўм қурилиш-монтаж ишлари учун капитал маблағ ажратган эди, бу йил 2,2 миллион бройлерга мўлжалланган қувватларни ишга тушириш назарда тутилди.

Ўзбекистон ССР «Госкомптицепром»ни Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги 21-механизациялашган кўчма колоннаси коллективининг паррандачилик фабрикасининг 1985 йилда ишга туширилиадиган объектларини барвақт, шу йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топшириш юзасидан ташаббусини қўллаб-қувватлайди ва ўз навбатида зарур моддий-техника ресурсларини муддатидан илгари етказиб бериш юзасидан барча чораларни кўради. Ҳозиргача 13,65 километрлик қурилма симлари ва 20,2 километр ёритиш шнурлари олинди.

Ўзбекистон ССР «Госкомптицепром»нинг кўрсатмаси билан Косонсой куркачилик хўжалиги ва Андижон ишлаб чиқариш бирлашмасидан Тошкент бройлер паррандачилик фабрикасига 18 комплект КРМ-18,5 технологик асбоб-ускуналари ажратилди, бу объектнинг технік хужжатларига мувофиқ тўла комплектланишини таъминлайди.

«КОЛЛЕКТИВ ЁРДАМГА МУҲТОЖ»

Газетанинг шу йил 7 июнь сонида эълон қилинган шундай сарлавҳали мақолага «Ўзстройиндустрия» республика саноат бирлашмаси бошлиғи В. И. Смотровнинг нмзоси билан жавоб хати олинди. Унда айтилишича, мақола «Ўзстройиндустрия» саноат бирлашмаси инженер-техник ходимлари кенгашида муҳокама қилинган ва унда билдирилган танқидий мулоҳазалар тўғри деб топилган. Ҳақиқатан ҳам республика қурилиш индустриясининг энг кекса корхоналаридан бири ҳисобланган Олмалиқ норуда материаллар карьери ҳеч қандай лойиҳа ҳужжатларисиз «Алмаликсвинецстрой» трестининг саралаш қурилмаси базасида ташкил этилган бўлиб, у ўттиз йилдан ортиқроқ вақтдан бери фойдаланиб келинмоқда.

Карьернинг асбоб-ускуналари эскириб қолди, улар тез-тез ишдан чиқиб турипти. Шунинг учун ҳам коллектив бир маромда ишлай олмаяпти. Ҳақиқатан ҳам у реконструкция қилишга муҳтож бўлиб қолди. Жавоб хатида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Олмалиқ карьерини реконструкция қилишни ўз қурилиши бўйича 1986 йил плани лойиҳасига киритганлиги маълум қилинади.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳаётидан

«ҚАЛДИРҒОЧ»—ХАЛҚ АНСАМБЛИ

Томоша тугагач, уни болалар қуршаб олишди. Ўртабўйли, кенг елкали, мақтли гавдали пахлавонга улар ҳавас билан қарашар, келгусида ўзлари ҳам Дарвешбек Раҳмоновдек кучли ва эпчил бўлишни орзу қилишарди.

— Мени группангизга ёзиб қўйсангиз, жонглёр бўлишни ҳавас қиламан, — деди ўртоқлари орасидан сал олдинга интиларкан, мактаб ўқувчиси Зера Измайлова. — Циркни жонимдан ҳам яхши кўраман.

Дарвешбек қизчага бошдан оёқ разм солар экан, эътироз билдиримади.

— Эртага эрталабдан қабул бошлаймиз. Марҳамат, келиб ёзилишинг мумкин.

Шу кунн болалар орасида курашчи, акробат, масҳарабоз бўлишни орзу қилганлар кўп эдн. Дарвешбек уларнинг кўнглини қолдиримади. Янгийўл район маданият уйида ўтказилган конкурсда эса ёш циркчилар группаси сараланди.

Кейни бадиий раҳбар Д. Раҳмонов учун ҳам, болалар учун ҳам масъулиятли кунлар бошланди. Группа «Қалдирғоч» деб номланган ёш циркчилар ансамблига айланди. Кейинги нкки йил ичида унинг шуҳрати аввал областга, сўнгра республикага ёйилди. Ўтган йили эса Ўзбекистон цирк санъати телевизион фестивалининг иштрокчиси бўлган «Қалдирғоч» фестиваль лауреати дипломига сазовор бўлди.

Ансамблнинг бу муваффақиятга эришишида 70 нафардан иборат коллективнинг ҳиссаси катта. Бу даврага энг ихлосманд ёшлар тўпланишган. Шуларнинг хизмати туфайли унга халқ ансамбли номи берилган.

С. ҲАСАНОВ.

Суратда: ансамбль репетиция пайтида.

В. Портнов фотоси.

РАВОН ВА ЖОЗИБАЛИ БЎЛСИН

НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

Инсон тил орқали ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади, ўзгалар фикрини тушунади ва мушоҳада юритади. Тил ўзаро алоқа қуроли бўлгани учун ҳам М. Горький унинг софлиги, маъно жиҳатдан аниқ, равшан ва ўткир бўлиши устида ҳамиша қайғуриш зарурлигини алоҳида уқтирган эди.

Тилга, унинг оғзаки формасига эҳтиёткорлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлиш, софлиги учун курашиш марксизм-ленинизм классиклари, жаҳон адабиёти намоёндалари асарларида ўз ифодасини топган. Тилдан фойдаланишнинг форма ва характери инсон фаолияти каби ранг-барангдир. Севинч, қувонч, эҳтирос, ҳаяжон каби психологик ҳолатлар ундов ва модал сўзларда ифоданса, халқ орзу-умидлари, панд-насиҳат, ахлоқ одоб каби этик, эстетик жиҳатлар мақол ва маталларда турғун фразеологик бирликларда акс этиб, анъанавий шаклда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Иборали сўзлар оғзаки нутқ жозибадорлигини оширади, халқимиз оғзаки нутқнинг жонли ва жозибали бўлишига қадимдан эътибор берган. Донолик билан айтилган иборалар ҳозир ҳам нутқимиздан тушмайди. Чунончи, «кўп сўзнингози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши», «ширин сўз — шакар, аччиқ сўз — заҳар», «кўп билган оз сўзлар, оз бўлса ҳам соз сўзлар», каби ибораларни тез-тез эшитиб турамиз.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг бадиий публицистик, расмий сўзлашув нутқи функционал услублари тенг ҳуқуқли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини ўзида махсус тарзда акс эттиради. Шулардан сўзлашув нутқи услуби кундалик ҳаётда ўзаро алоқа аралашув функциясини бажаради. Мураккаб жараён —эмоционал-экспрессивликка тўлиб-тошган бадиий услубда эса метафора, муболаға, ўхшатиш приёмлари ёрдамида ҳаёт воқеалари, кишилар фаолияти, ҳис-туйғулари, образли тарзда акс эттирилади. Илмий мушоҳадалар, муҳокамаларни оғзаки ва ёзма нутқ шаклида ифодалаш илмий нутқ услуби зиммасига тушади.

Қундалик сўзлашув нутқи ёзма адабий тил қонуниятларига тўла амал қилса, у ҳолда расмий нутқ услуби томон силжигани, формалашгани дарҳол сезилади. Бу ўринда ёзувчи А. Қаҳҳорнинг «Нутқ» сарлавҳали фельетонидан бир парча келтириш мумкин: фельетон қаҳрамонининг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «Сиз билан биз бир йиллик оилавиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик».

Кўриниб турибдики, оғзаки нутқда китобий ёки расмий тилга оид лексик, морфологик, синтактик воситаларни тўлалигича жорий этиш тингловчига эриш туюлади. Кулгили ҳолатни юзага келтиради.

Кишиларнинг нутқи баъзан билим даражасига, касбига, ҳатто характерига, сўзлаш қобилиятига ҳам боғлиқ бўлади. Сўзга чечан топиб гапирса, нўноқ нотиқ чайнаб гапиради. Нутқий гўзаллик ширинсуханликни таъминловчи лексик, синтактик, фразеологик синонимлардан фойдаланишга одатланиш керак. Оғзаки нутқда ҳам бадиий асар тилида қаҳрамонлар характерини очишда, ҳатти-ҳаракатини аниқ ифодалашда синонимлар роли беқиёсдир. Лексик, фразеологик синоним қаторларидаги нейтрал воситалар одатдаги муомалада кўпроқ ишлатилса, стилистик бўёқли вариантлари эса у ёки бу услуб доирасида нутқ жонлилигини, таъсирчанлигини таъминлайди.

Адабий тилнинг барча функционал услубларидан фойдаланишда мавжуд ҳолат ҳам ҳисобга олиниши керак. Масалан, бирор илмий доклад омма ўртасида ўқиладиган ёки сўзланадиган бўлса, унда гап қурилишида сўзларни ишлатишда соддалик, халқчилликка эришиш учун уриниш керак. Агар шу доклад илмий соҳа ишчилари доирасида муҳокама қилинаётган бўлса, у ҳолда илмий терминлардан кенгроқ фойдаланиш лозим бўлади.

Оғзаки адабий нутқ кўп ҳолларда ёзма нутққа мос келмайди. Талаффузда баъзи товушлар қисқа бўлади ёки бошқа фонемалар билан алмашинади. Чунончи, ўқиб олди — ўқиволди, топиб олиб бер — топбер, бормоқчи эди — бормоқчийди... Нутқнинг барча турлари бўйича хизмат этувчи радио, телевидение орқали берилаётган эшиттиришлар ва кўрсатувларда асосан адабий талаффуз нормаларига риоя этилаяпти. Айни пайтда қаҳрамонлар нутқида тилга эътиборсизлик, стилистик ноаниқликлар ҳам сезилиб қолади. Нутқдаги бундай ноаниқликлар, пала-партишликлар тингловчиларнинг гашига тегмай қолмайди. Нутқ маданияти ва унинг равнақи учун кураш фақат мутасадди ходимлар ёки олимлар, маориф ва маданият ходимларининг вазифаси бўлмай, балки ҳар бир кишининг жонажон ишига айланмоғи керак. Ўз нутқимизга ҳам, ўзгалар нутқига ҳам бефарқ, лоқайд бўлмайлик. Нутқий баркамолликкга эришайлик.

М. АСОМИДДИНОВА,
филология факлари кандидати.

«ТАБИАТНИ АРДОҚЛАЙЛИК!» КОНКУРСИ ЯКУНЛАНДИ

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш жамияти Тошкент область ташкилоти билан Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти «Табиатни ардоқлайлик!» конкурсига якун чиқардилар.

Конкурс ҳайъати биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан **«Ташкентская правда»** газетаси редакциясини тақдирлашга қарор қилди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясига иккинчи даражали диплом ва пул мукофоти берилди.

Иккинчи даражали диплом ва пул мукофотини **республика радиосининг Тошкент шаҳри ва области учун эшиттиришлар бош редакциясига** беришга қарор қилинди.

Табиатни муҳофаза қилишга бағишланган энг яхши материаллари учун «Ташкентская правда» газетаси масъул секретарининг ўринбосари **Г. Чебакова** ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси ўз мухбири **А. Носкрова** биринчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Иккинчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш жамияти Тошкент область бўлими правлениеси рансининг ўринбосари **Т. Турсунов** ва область радиосининг редактори **Т. Сиротина**ларга берилди.

Учинчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари область радиосининг мухбири **Т. Боровикова,** республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти область бўлими секциясининг раиси **Н. Королева,** қишлоқ хўжалик фанлари кандидати **В. Урицкий**ларга берилди.

Шаҳар, район ва кўп нусхали газеталар редакцияларн, район радио редакцияларн ўртасидаги конкурс якунларига кўра қуйидагилар мукофотландилар:

Оржоникидзе район **«Коммунизм тонги»** газетаси редакцияси — биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан;

Ўрта Чирчиқ район **«Машъал»** газетаси редакцияси — иккинчи даражали диплом ва пул мукофоти билан;

«Алмаликский рабочий», Ғалаба район **«Ленин йўли»,** Коммунистик район **«Сурхонт»** газеталари редакциялари — учинчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан.

Фотомухбирлар ва фотоҳаваскорлар ўртасидаги конкурс якунларига кўра қуйидагилар мукофотландилар:

«Тошкент ҳақиқати» газетаси фотомухбири **А. Зуфаров** ва «Ташкентская правда» газетасининг штатсиз фотомухбири **В. Портнов** — биринчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан;

«Суръат» газетасининг фотомухбири **А. Аҳатов** ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз фотомухбири **А. Абалян** — иккинчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан;

«Паркент тонги» газетасининг фотомухбири **С. Даттаев** ва фотоҳаваскор **Т. Лутфуллаев** учинчи даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг масъул секретари **Ш. Умурзоқов,** «Ташкентская правда» газетасининг масъул секретари **Ю. Зряшчев,** область радиосининг бўлим мудири **Э. Худойберганов,** «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири **Э. Эрназаров,** Тошкент илмий марказининг етакчи инженери **Р. Иброҳимов,** «Ташкентская правда» газетасининг бўлим мудири **О. Кружилина,** область радиосининг катта редактори **Ҳ. Сайдалиев** табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг фахрий ёрлиқлари ва рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

Жюри ҳайъати конкурсда ғолиб чиққанларни қизғин табриклайди.

Шу билан бир қаторда «Табиатни ардоқлайлик!» конкурсида барча район ва шаҳар, кўп нусхали газеталар редакциялари иштирок этмаётганликларини таъкидлаш керак. Жумладан, мазкур конкурсга 15 та район газетасидан атиги 4 та, 5 та шаҳар газетасидан фақат битта газета редакциялари материаллар юборди. Бу мазкур шаҳар ва районларда табиатни муҳофаза қилиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлигидан ҳам далолат беради.

Табиатни ардоқлаш ҳар бир кишининг бурчи. Шунинг учун барча матбуот органлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари, республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти область ташкилоти ва Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти томонидан мунтазам ўтказиб турилаётган конкурсда актив қатнашишлари лозим.

ЗАВОДДА ҲУШЁРЛАР ЖАМИЯТИ

Экспериментал цехнинг йиғувчи-слесари Абдурасул Мадраҳимовнинг хушёрхонага тушганлиги тўғрисидаги хабар коллективни ташвишга солиб қўйди. У сидқидилдан меҳнат қилар, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этарди. Шунинг учун «Узбексельмаш» заводи коммунистлари уни партия аъзолигига қабул қилгандилар.

Бу нохуш хабардан воқиф бўлган хушёрлар жамияти аъзолари А. Мадраҳимовнинг қилмишини муҳокама қилишга қарор қилдилар. Йиғувчи-слесарь Тошкент Давлат университетини битирганлигини «ювиш» баҳосида ичкиликбозлик қилганлигини гапирио берди.

Орага ноқулай сукут чўкди. Кейин кадрлар бўлимининг бошлиғи Н. Ҳусниддинов сўз олди:

— Коммунист ишчимиз ўз шаъниигагина эмас, бутун коллективимизга доғ туширди, — деди у. — Олий маълумотли мутахассис бўлган кунни хушёрхонада «кутиб олиш» қандай кулгили ва аянчли воқеа. У тегишли партиявий жазосини олди. Ишда мукофотдан, бошқа имтиёзлардан маҳрум бўлади.

Лекин, биз ҳаммамиз бундан тегишли хулоса чиқариб олишимиз зарур. Ҳали коллектив ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун етарлича қатъият билан кураш олиб бормаяпмиз.

...Йиғилишда сўзга чиққан хушёрлар жамиятининг бошқа аъзолари ҳам ичкиликбознинг қилмишини қатиқ қораладилар.

Заводда бу жамият тузилишига ичкиликбозлик ҳоллари кўпайиб кетганлиги сабаб бўлди. Жумладан, ўтган йилнинг биринчи ярмида 10 ишчи хушёрхонага тушган бўлса, бу йил уларнинг сони 18 тага етди. Баъзилар спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш натижасида, ҳатто, жиноятга қўл уришга ҳам борио етдилар.

Корхонада КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қаорини муҳокама қилиш давомида машинасозлар хушёрлар жамиятини тузишни таклиф этдилар. Бу кўпчиликка маъқул тушди. Янги жамиятга мутлақо спиртли ичимлик ичмайдиган кишиларнигина қабул қилишга келишиб олинди.

Хушёрлар жамияти аъзолари ўз фаолиятларини энг аввало корхонадаги наркологик кабинет фаолиятини яхшилашдан бошлашди. Ҳар бир цех, ишлаб чиқариш участкаларида ичкиликбозликка ружу қўйганлар аниқланди. Ҳозир 42 ишчи-хизматчи бу кабинет рўйхатида туради. Улар малакали врачлар томонидан даволанмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун заводнинг ўзидан ибратли мисол топиш керак эди. Шу тарзда хушёрлар жамияти аъзолари Абдуҳафиз Болтаев етакчилик қилаётган бригада жамияти аъзолари томонидан чиқарилаётган «Фотоайбнома»нинг ҳар сонини орзиқиб кутадиган бўлиб қолганлар. Унда спиртли ичимликлар ичадиганларнинг номлари рўй-рост айтилиб, фотосуратлари илиб қўйилади. Шунингдек, ичичларнинг дам олишини ташкил этишдаги камчиликлар танқид остига олинади.

— Биз соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, — дейди завод хушёрлар жамиятининг раиси Э. Бойматов. — Жамиятимиз аъзолари машинасозлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш билан бир қаторда маданий-оқартув муассасалари, спорт иншоотларидан фойдаланишнинг аҳволини назоратлари остига олганлар. Барча маросимларни ичкиликсиз, кўнгилли ва хушчақчақ ўтказишни ташкил этиш бўйича бошқа жойларда тўпланган тажрибани ўрганиб, уларни коллективимизда кенг ёйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Дастлабки иш натижаларимиз хушёрлик учун кураш, меҳнат унумдорлигини оширишга, план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига самарали таъсир кўрсатаётганлигидан далолат бераяпти.

...Ҳозир заводда хушёрлар жамиятининг таклифи асосида миллий услубда янги чойхона қурилиши бошлаб юборилди. У ишга тушгач, кўпгина оилавий маросимлар шу ерда ўтказилади. Ўшанда ҳаммага қадаҳ ўрнига бир пиёла чой таклиф қилинади!..

А. НОСИРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК— ЖАМИЯТИМИЗГА ЕТ ИЛЛАТ

Илғор машинасозлар «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» ҳаракатида ҳам пешқадамлар қаторида боришарди. Чунончи улар йил охиригача планга қўшимча равишда 10 та кўсак чувиш агрегати ишлаб чиқаришга сўз беришди. Бригада ишчиларининг аҳдлари қатъий. Ҳозирнинг ўзида улар планга қўшимча олтита агрегат ишлаб чиқаришди.

Мустаҳкам интизом, аҳиллик, энг муҳими — хушёрлик бу коллектив эришаётган муваффақиятларнинг асосий омиллари эди. А. Болтаев бошлиқ бригада ишчиларидан тузилган футбол командаси кўп марта завод чемпиони бўлган. Спорт билан дўстлашиш натижасида коллективда ҳамма спиртли ичимлик ичмайдиган бўлди.

Хушёрлар жамиятининг навбатдаги мажлисларидан бирида бригаданинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича тажрибаси муҳокама этилди. Бу илғорлар тажрибаси асосида заводдаги бошқа коллективларда ҳам ичкилик ичмаслик юзасидан шартномалар тузиш тавсия этилди. Бу шартномаларда ҳар бир ишчи-хизматчи арақ ичмаслик тўғрисида зиммасига шахсий мажбурият олди.

Яқинда А. Болтаев бошлиқ бригадага техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича хизматлари учун «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мукофоти берилди. Аввалари бу мукофотни «ювиш» учун албатта, ичкиликбозлик ташкил қилинган бўларди. Хушёрлар жамияти аъзоларининг таклифи билан бу мукофот пулини маданий ҳордиқ чиқаришга, яъни театрларга, цирклларга коллектив бўлиб боришга сарфлашга қарор қилинди.

Завод ишчи-хизматчилари ҳозирги пайтда хушёрлар жамиятининг таклифи асосида миллий услубда янги чойхона қурилиши бошлаб юборилди. У ишга тушгач, кўпгина оилавий маросимлар шу ерда ўтказилади. Ўшанда ҳаммага қадаҳ ўрнига бир пиёла чой таклиф қилинади!..

А. НОСИРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КЕЧА

ЗИЛЗИЛА ЎЧОҒИ— ҲИНДИҚУШ ҚАЪРИДА

29 июль куни Тошкент замини бир минутдан кўпроқ вақт мобайнида 4—5 балл куч билан тебраниб турди.

Бунчалик узоқ тебраниш — ернинг чуқур қаърида юз берган зилзилага хос «акс садо»дир, деб хабар қилишди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сейсмология институтидан. Зилзила эпицентри Тошкентдан 550 километр жанубда Афғонистоннинг Файзобод шаҳрига яқин Ҳиндиқуш тоғидадир. Зилзила ўчоғи ернинг 200 километрдан кўпроқ қаърида жойлашган. Зилзила тўлқини маҳаллий вақт билан 14 дан 56 минут ўтганда Тошкентга етиб келди.

Одатда бундай ер қимирлаш катта территорияда сезилади. Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқандда 5 балл, Термезда 6 баллга яқин, Душанбеда 6 балл куч билан ер силкинди.

Зилзила параметрлари ҳисоблаб чиқилмоқда.

(ЎзТАГ).

«ФУТБОЛ» КРОССВОРДИ

Кроссворд беш ҳарфли номлар асосида тузилган. Жавобларни шаклда белгиланган хонадан бошлаб, соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиб чиқиш йўли билан ҳал этиб футбол ўйинига бўлган қизиқишингизни синаб кўринг.



1. Мамлакат қирқ еттинчи чемпионати ғолиби бўлган олий лига футбол командаси. 2. «Пахтакор» командаси тренери. 3. Ватанимиз олимпия футбол терма командаси дарвозабонларидан бири. 4. Футбол соврини. 5. Футболчилар пойабзали. 6. Тўрақўрғон футбол командаси. 7. «Спартак» (Москва) командаси ярим ҳимоячиси, терма команда аъзоси. 8. Олий лига биринчилигида илк бор ўйнаётган футбол командаси. 9. «Звезда» (Жиззах) командаси футболчиларидан бири. 10. Тошкентдаги футбол стадионларидан бири. 11. «Динамо» (Минск) командаси ҳужумчиси. 12. «Шахтёр» командаси тренери. 13. Испания футбол чемпионатининг энг моҳир ҳужумчиси. 14. Таниқли Вена футбол командаси. 15. Сўнгги, ҳал этувчи футбол матчи.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
2, 3, 4 АВГУСТ СОАТ 20.00 ДА
Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ
Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ
Бадиий сўз устаси
ҲАСАН ЙЎЛДОШЕВ
Солистлар: ХОТАМ ҲОЖИЕВ, САЛОҲИДДИН МУҲИДДИНОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — **Қодир МУМИНОВ.**
Музыка раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
БИЛЕТЛАР СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ ВА СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА ҲАР КУНИ СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

ТОМАТ ШАРБАТИ РОҲАТБАХШ!

Туз ва шакар қўшиб тайёрланган томат шарбати кишининг иштаҳасини очади, бардам тутади. Бундан ташқари тушлик ёки кечки овқатда қўшимча таом бўлиб ташланикни яхши қондиради.

0,5 литрли, 1 литрли, 3 литрли сиғимли шиша банкаларда томат шарбати сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА ВА САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ (телефон 76-74-22). «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Экран куйлари».
10.15 «Мингечаур». Телефильм.
10.35 «Крепиш». Бадиий фильм.
12.05 П. Вирский номли УССР Давлат хизмат кўрсатган рақс ансамблининг концерти.
12.40 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Қувонч — бу қўшиқ». МТ ва БР болалар Катта хори иштирокида фильм-концерт.
16.50 «Ровесник» киножурнали.
17.00 «Ульяновлар оиласи». Бадиий фильм.
18.20 «Кувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Фильм-концерт премьераси.
19.40 Ҳужжатли фильм премьераси.
20.10 С. Прокофьевнинг «Золушка» балети.
21.30 «Время».
22.05 Фестиваль шарҳи.
00.05 «Дунё воқеалари».
00.20 Фестиваль кундалиги.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
9.25 «Сентябрда ёққан қор». Бадиий фильм.
10.30 Й. Брамс. Вальслар.
10.45 Фестиваль шарҳи.
12.45 «Будильник».
13.15 «Икки капитан». 2-серия.
14.30 Француз тили.
15.05 МТ ва БР рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти.
15.45 «Биз ўқитувчи». Телеочерк.
16.30 «Шахмат мактаби». 1-кўрсатув.
17.00 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45«...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 Мультфильм.
20.45 Баскетбол бўйича халқаро учрашув.
21.30 «Время».
22.05 Футбол. Мавсум кубоги. «Зенит» — Динамо» (Москва.

УзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Ўзбек мадоннаси». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.00 Врач маслаҳати.
8.10 «Тоғлар, тоғлар». Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Мовий сўқмоқлар бўйлаб». Телефильм.
9.10 Болалар учун фильм.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Туғилган кун». Қўғирчоқ фильм.
18.30 Болалар расмлари конкурси (такрорий).
19.00 «Сизнинг томорқа хўжалигингизда».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Пиқунда». Телефильм.
20.00 «Инсон ва қонун».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Янгра, созим — овозим».
21.30 Москва. «Время».
22.05 Э. Усмонов. «Қўриқхонада». Телеспектакль премьераси.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—17.05 **МТ II.**
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Тоғлар, тоғлар». Телефильм.
18.30 «Ҳақиқий эрканча ҳаёт». Бадиий фильм. (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Болалар учун фильм.
21.00 «Гўзаллик билан учрашув». Кинокўрсатув.
21.30 **МТ II.**

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ОБУНАЧИЛАР **ДИҚҚАТИГА!**

1 АВГУСТДАН 1986 йил учун

СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРИГА ТАШКИЛОТЛАРДАН ВА ГРАЖДАНЛАРДАН ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ.

Ташкилотлардан обуналар 31 августгача, гражданлардан эса 1 ноябргача қабул қилинади.

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали расмийлаштирилади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Р. 09339. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. А. 1752. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12